INV.№

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ВА ҚОНУН

2002 йил
22 ЯНВАР
сешанба
№ 3 (259)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

27 ЯНВАР — УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

ХАЛҚ ҚАЛБИГА ҚУЛОҚ ТУТИБ

. Парламентчилик тарихига бир назар

. Икки палатали парламент — демократик тараққиётнинг янги босқичи

. Жаҳон тажрибаси ва миллий қадрият уйғунлиги

Парламентчилик икки минг йиллик тарихга эга. Дастлаб у Қадимги Римда сенат шаклида, Ўрта асрларда эса Европанинг Англия, Франция каби қатор мамлакатларида халқ вакиллари мажлиси сифатида намоён бўлган. Халқнинг манфаатларини ҳимоя этувчи, қонун чиқарувчи бу вакиллик органи асрлар мобайнида шаклланиб келаётгани айни ҳақиқатдир.

Шўро тузуми даврида иттифоқдош республикаларда олий советлар бўлган, лекин улар номигагина фаолият юритган, аниқ қилиб айтганда, марказда қабул қилинган қонунлар андозасини расмийлаштиришдан нарига ўтмаган. Шу боис мустақилликнинг дастлабки йилларида том маънода қонун тайёрлашга қодир бўлган юксак малакали мутахассисларга жуда катта эҳтиёж сезилди. Сир эмас, шўро замонида амалда бўлган қонунлар мустабид сиёсат маҳсули бўлиб, уларнинг биронтаси ҳам мамлакатимизнинг мустақил тараққиёти учун хизмат этмас эди.

Демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш эса биринчи навбатда ҳуқуқий асосларни яратишни, қонунга таяниб иш кўришни тақозо этади. Масалага шу нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, ўтган давр ичида Олий Мажлисимиз нечоғлик оғир ва масъулиятли вазифани амалга оширгани кундай равшанлашади.

Истиқлол йилларида ҳуқуқий давлатчилигимизнинг таъмал тоши бўлган қонуний асослар яратилди. Янгича дунёқараш шаклланди, Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлаш йўлида кўламли ишлар қилинди. Парламентаризм, муқобил сайловлар ва депутатлик фаолияти тажриба мактаби юзага келди. Чинакам демократия - қонунга итоат этиб яшашдан иборат, деган тушунча қадриятга айланиб бормоқда. Энг муҳими, дунёвий демократик қадриятлар миллий анъаналаримиз билан уйғун тарзда ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Азал-азалдан эл-юрт тақдирига дахлдор бўлган муҳим масалалар бўйича бир қарор қабул қилишдан олдин доимо аҳли юрт билан, оқсоқоллар билан кенгашилган. Соҳибқирон Амур Темур давлат ишларининг ўндан тўққиз улуши кенгаш, машварат ва маслаҳат билан бажо келтирилишини уқтириб, ***"Ишларимнинг барисида аввал кенгаш, маслаҳат қўлладим"***-дейди. Улуғ бобомиз ўз "Тузик"ларида тарихий аҳамият касб этган ўттиз бир кенгаши ҳақида атрофлича тўхталиб ўтади.

Халқимизга хос бўлган бу фазилат, бу анъана тарихий ва бадиий асарларда доимо улуғлаб келинган. "Алпомиш" эпосида Бойбўри закот солгач, бундан оғринган укаси Бойсари ўн минг уйли Қўнғирот элига мурожаат қилиб, ***"Эндиги масалаҳат нима бўлди?"*** - дея кенгаш чақиради. Кўпни кўрган кишиларнинг қилона маслаҳати воқеалар оқимининг ривожини белгилайди. Умуман, бу асар мана шундай эл-улус кенгаши ва маслаҳатлар асосига қурилган, десак, хато бўлмайди. Халқ ичида ***"Кенгашли тўй тарқамас", "Маслаҳатли тўн тор келмас"*** деган ҳикматларнинг минг йиллардан буён яшаб келиши ҳам бежиз эмас, албатта. Элнинг маслаҳати, оқ фотиҳаси билан бошланган ишлар ҳамиша хайрли натижа бериб келган. Шуни ҳам айтиш керакки, умуммаслаҳат демократиянинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади.

Фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти ўсиб, демократик жараёнлар такомиллашгани сари муҳим ҳаётий масалаларни умумхалқ маслаҳати воситасида ҳал этиш ижтимоий ҳаётдан муқим ўрин олади. Масалан, Швейцарияда кейинги 25 йил ичида 100 дан зиёд референдум ўтказилган. Мамлакатимизда ҳам истиқлол даврида икки марта референдум ўтказилганига ҳар биримиз гувоҳмиз.

> ***Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат халқнинг иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади.***
>
> **Ислом КАРИМОВ**

Президент Ислом Каримов 2000 йил 25 май куни Олий Мажлисимизнинг сессиясида ***икки палатали парламентга ўтиш*** ғоясини илгари сурган эди.

Иккинчи масала сиёсий Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилликдан етти йиллик қилиб ўзгартириш ҳақида. Ҳамюртларимиз референдумда бир-бирига бевосита боғлиқ бўлган, давлат ва жамиятнинг эртанги ҳаётида муҳим ўрин тутадиган мана шу икки муҳим масала юзасидан ўз муносабатларини билдирадилар.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: хўш, икки палатали парламентнинг афзалликлари нимада?

Икки палатали парламент профессионализм замирида шаклланади, яъни у юқори ва қуйи палаталардан ташкил топиб, қуйи палата доимий равишда ишлайди ва қонунчилик билан шуғулланади. Мана шу жараённинг ўзи қонунчилик ҳам, парламент фаолияти ҳам янги босқичга кўтарилишини тақозо этади. Яъни, қуйи палатада ўз ишининг ҳадисини олган малакали ҳуқуқшунослар, сиёсатчилар, иқтисодчилар, жамиятшунослар ва бошқа соҳа мутахассислари ишлаб чиққан қонун лойиҳалари юқори палатада муҳокама қилинади. Нимага деганда, мазкур палата ўз минтақаларини чуқур биладиган, унинг манфаатларини ҳимоя этадиган амалиётчилардан иборат бўлади ва улар лойиҳани муҳокама қилиб, қимматли таклиф ва мулоҳазаларини унга сингдиради. Шундан сўнггина қонун қабул қилинади. Аниқ қилиб айтганда, назария билан амалиёт уйғунлашади, бу эса қонунларнинг ҳаётий ва тўлақонли бўлишини таъминлайди.

Биз, ҳар бир минтақанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг манфаатлари қонунда ҳимоя этилади, деганда, биринчи навбатда, албатта ўша ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг манфаатларини кўзда тутмоқдамиз. Профессионализм масаласи эса, истаймизми-йўқми, тараққий топган мамлакатларда энг қадрланадиган фазилат ҳисобланади. Профессионализм ҳар бир ишнинг юксак маҳорат ва меҳр билан самарали ижро этилишини таъминлайди. Унинг парламентимиз фаолиятида чуқур илдиз отиши эса, ҳеч шубҳасиз, қонунларимизнинг янада сайқал топиб мукаммаллашишига, демократик асосларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Бугунги кунда Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Япония, Франция, Италия, Швейцария каби етмишдан ошиқ тараққий этган давлатларда икки палатали парламент амал қилади. Мазкур мамлакатларнинг ҳуқуқий пойдеворлари ҳам икки палатали парламентнинг афзал жиҳатларини ўзида намоён этади. 2000 йилнинг 14 мартида Парижда бўлиб ўтган жаҳон сенатларининг махсус анжуманида маъмурий ҳудудлар манфаатларини ҳимоя этишда, қонунчиликда юзакиликка барҳам беришда, ижроия ҳокимияти билан парламент ўртасида ортиқча тортишувларнинг олдини олишда икки палатали парламентнинг хизмати улкан экани алоҳида қайд этилди.

Референдум кун тартибига қўйилган иккинчи масала юзасидан фикр юритадиган бўлсак, шуни таъкидлаш керакки, етти йиллик муддат жаҳон тажрибасида жуда кенг қўлланилади, Италия, Туркия, Исроил каби кўпдан-кўп ривожланган мамлакатларда Президент мазкур конституциявий ваколат муддатида фаолият кўрсатади. Бу давлат раҳбарининг мувофиқлаштирувчилик мавқеини янада юқори даражага кўтариш билан бирга ўз мақсад ва режаларини рўёбга чиқариши учун нисбатан кенг имконият туғдиради. Бу ўринда алоҳида бир шахснинг эмас, балки миллий давлатчиликнинг муҳим институти сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини ўзгартириш ҳақида гап бораётганини эътибордан қочирмасак, референдумда бу таклиф маъқулланса, Ўзбекистон Республикаси Президенти мунтазам етти йиллик муддатга сайланишини инобатга олсак, масаланинг моҳияти янада ойдинлашади.

Референдум муносабати билан мамлакатимизда ташкил этилган 14 та референдум округи, 7810 та референдум участкаларида округ ва участка комиссиялари изчил фаолият кўрсатиб келмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳозир ҳорижий давлатлардаги ваколатхоналаримиз ва консуллик идораларимиз ҳузурида 37 та референдум участкаси ишлаб турибди.

Америка Қўшма Штатлари, Германия, Канада, Россия Федерацияси ва бошқа кўплаб нуфузли хорижий мамлакатларнинг сиёсий ва ижтимоий арбоблари референдумда халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиши кутилмоқда.

Бугун референдум участкаларида бўлсангиз, бу жойда ҳаёт қайнаётганини, турли ёшдаги кишилар ўзларини қизиқтирган масалаларга ойдинлик киритиш учун қўлланмалар билан танишаётгани, тажрибали ҳуқуқшунослар эса жонли мулоқатлар ўтказаётганини кўрасиз. Юртдошларимизнинг фаоллиги шундан далолат берадики, улар ҳар бир масалага давлатимиз ва мамлакатимиз манфаатларидан келиб чиқиб, ўз муносабатини билдириш тарафдоридир. Зеро, мазкур умумхалқ маслаҳати ҳар биримизнинг ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни, замонавий босқичдаги ҳуқуқий маданиятимизни ўзида тўла намоён этади. Шунинг учун ҳам келажак олдидаги масъулиятни чуқур англаган ҳолда фуқаролик бурчимизни фаол адо этишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Алибой ҚАҲРАМОНОВ,
Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти раисининг ўринбосари, филология фанлари номзоди



Адлия тизими

ТОШКЕНТ

2001 йил давомида вилоят адлия бошқармаси иш юритувига тадбиркорлик субъектларидан 161 та шикоят-аризалар келиб тушган. Шикоят-аризалар бўйича 84 нафар тадбиркорларнинг ҳуқуқлари тикланди, 53 нафар тадбиркорларга ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига тадбиркорлик фаолиятларини амалга оширишда тўсқинлик қилингани натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш ҳақида судларга 46.729.988 сўмлик — 522 та даъво ариза киритилган. Шундан 17.154.187 сўмлик — 149 та даъво аризаси судлар томонидан қаноатлантирилди. 312 та даъво аризаси бўйича жавобгарлар томонидан даъво тан олиниб, суд мажлиси бошлангунига қадар етказилган зарарлар қопланганлиги сабабли фуқаролик ишлари ҳаракатдан тўхтатилди.

Киритилган даъво аризаларда жавобгар шахсларга эътиборни қаратадиган бўлсак, уларнинг 70 нафари ҳокимият идоралари, 9 нафари солиқ идоралари, 14 нафар тайёрлов идоралари ходимлари, 18 нафари шаркат (жамоа) хўжалиги раҳбарлари, 20 нафари тижорат банклари ходимлари, 18 нафари эса турли ташкилот ва идоралар мансабдор шахсларини ташкил этади.

Юқоридагилардан ташқари вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тегишли идора ва ташкилот раҳбарларига қонунбузилиш ҳолатларини олдини олиш юзасидан 96 та тақдимнома киритилди, шундан 41 таси ҳокимлик идораларига, 4 таси хўжалик раҳбарларига, 132 таси солиқ органига, 39 таси турли идораларга киритилган.

Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университети ташкил этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

* * *

17 январ куни Оқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Томас Дэшл раҳбарлигидаги бир гуруҳ АҚШ сенаторларини қабул қилди.

* * *

Фарғонада Ўзбекистон-Корея Республикаси ҳамкорлигида "Кўқонтекс" корхонаси иш бошлади.

* * *

Ўзбекистон педагогик кутубхоналар республика ассоциацияси тузилди.

* * *

Афғонистонда Ўзбекистон бош консулхонаси очилди.

* * *

Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганлигининг 10 йиллиги муносабати билан "Халқлар дўстлиги" саройида тантанали маросим бўлиб ўтди.

* * *

Президент Ислом Каримов Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 10 йиллигига бағишланган тантанали мажлис қатнашчиларига самимий табрик йўллади.

* * *

Қува туманида Мусажон Шербўтаев номидаги "Меҳр-мурувват" маркази иш бошлади.

* * *

Нукусда референдум ўтказувчи участка комиссиялари аъзоларининг семинари бўлиб ўтди.

Адлия тизими

ФАРҒОНА

Вилоят адлия бошқармаси томонидан 2001 йил давомида шартнома интизоми бузилиш ҳолатлари бўйича жами 258 та 420.218.367 сўмлик даъво аризалари вилоятдаги хўжалик ва фуқаролик судларига киритилди.

Шундан:

— фермер хўжаликлари манфаатини кўзлаб 21 та, 18.054.912 сўмлик;

— ширкат хўжаликлари манфаатини кўзлаб 29 та, 79.907.048 сўмлик;

— оила пудратчиларининг манфаатини кўзлаб 189 та 38.248.512 сўмлик;

— бошқа тадбиркорлик ва хўжалик субъектлари манфаатларини кўзлаб 19 та 284.007.895 сўмлик даъво аризалари киритилди.

Шунингдек, адлия бошқармаси томонидан вилоятдаги 120 та корхона ва ташкилотлар ўрганиб чиқилиб, қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида 65 та тақдимнома киритилиб, 287.132.888 сўмлик берилмасдан келинаётган маҳсулот ҳақлари ундирилиб берилди.

Анжуман

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ҲАФОЛАТЛАНАДИ

Адлия вазирлигида "Акциядорлик жамиятлари ва акциялаштиришга оид қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари" мавзуида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Уни Адлия вазирининг ўринбосари П.Саматов кириш сўзи билан очди. Анжуманда Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи З.Ибрагимованинг "Акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш", Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази директори Б.Нуритдиновнинг "Иқтисодий ислоҳотлар жараёнида акциядорлик жамиятларига доир қонунчиликни такомиллаштириш масалалари", Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси бошқарма бошлиғи В.Дубровскаянинг "Акциядорлик жамиятлари фаолияти ва монополияга қарши қонунчилик тўғрисида", Олий хўжалик суди биринчи судлов таркибининг раиси С.Таниқуловнинг "Акциядорлик жамиятлари фаолиятини судда кўриб чиқиш жараёнидаги баъзи муаммолар хусусида", Молия вазирлиги ҳузуридаги солиқ-бюджет сиёсати маркази бўлим бошлиғи А.Вали жоновнинг "Акциядорлик жамиятларида бошқарувнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари", Республика Марказий банки қимматли қоғозлар департаменти бошқарма бошлиғи Ў.Жўраевнинг "Қимматли қоғозлар бозори қонунчилигини ҳамда акциядорлик банклари фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни мувофиқлаштириш масалалари ҳақида", "Тадбиркор аёллар" уюшмасининг ҳуқуқшуноси В.Долговонинг "Акциядорлик жамиятлари қонунчилигидаги баъзи муаммолар тўғрисида" мавзусидаги маърузалари тингланди.

Конференция ишида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бир қатор хорижий ташкилотлар, қўшма корхоналарнинг вакиллари, олимлар, ўқитувчилар ва аспирант-тадқиқотчилар иштирок этишди.

Анжуманда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Қуйида конференция иштирокчиларининг фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

ҚОНУНЛАР ТИЗИМИ ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Пўлат САМАТОВ,
Адлия вазирининг ўринбосари

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг ўзига хос йўлидан борилмоқда. Табиийки, бозор муносабатларини қарор топтиришга йўналтирилган иқтисодиётимизнинг асосини турли кўринишдаги мулкчилик шакллари ташкил этади. Бозор муносабатларининг таянчи ҳисобланган хусусий мулк, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Акциядорлик жамиятлари ҳам тадбиркорликни кенг кўламда тараққий эттиришнинг муҳим шаклларидан бири ҳисобланади.

Бу жамиятлар биз учун янги ҳодиса бўлса-да, мамлакатимизда улар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базаси шакллантирилди. Бу жараён узлуксиз давом эттирилмоқда. Жумладан, **"Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида", "Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида", "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги (2001 йил, 30 август) қонун ва бошқа тегишли қонунларнинг қабул қилиниши муносабати билан қимматли қоғозлар бозорининг шаклланишига ҳуқуқий замин яратилди.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, **"Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги (2001 йил, 30 август) қонун бу борада алоҳида аҳамият касб этади.

Ушбу қонун инвесторларнинг ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солади.

Юқорида ҳам таъкидлаганимиздек, республикамизда акциядорлик жамиятлари фаолиятини ташкил этиш, йўлга қўйиш ва юритишнинг ўзига хос ҳуқуқий-меъёрий мезонлари шакллантирилган. Бу муносабатлар, аввало, Фуқаролик кодекси, шунингдек, **"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги қонун ва бошқа тегишли қонунлар орқали тартибга солинади.

Мазкур қонун акциядорлик жамиятларини тузиш, улар фаолиятини юритиш билан бевосита боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатларни белгилаб беради. Унда жумладан, акциядорлик жамиятларини шакллантириш тамойиллари, уларнинг мазмун-моҳияти, шакллари, устав фондини кўпайтириш ва камайтириш ҳолатлари, жамиятни бошқариш қоидалари, шунингдек, қимматли қоғозлар чиқариш, дивиденд тўлаш, дивидендларни ҳиссадорлар ўртасида тақсимлаш тартиби аниқ белгилаб берилган. Ушбу қонун моҳияти ва қўлами жиҳатидан (унда 100 дан зиёд модда киритилган) жуда кенг бўлиб, кодекс даражасига кўтарилган.

Бундан ташқари, акциядорлик жамиятлари фаолиятига тааллуқли бўлган бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳам яратилди. Бу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг (1998 йил 2 август) 361-қарори билан тасдиқланган типовой низомни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Мазкур низом ҳиссадорларнинг ўзлари аъзо бўлган акциядорлик жамиятларини бошқариш, жумладан, акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ҳамда ижроия органлари ҳуқуқий муносабатларини фаоллаштириш ҳамда корхоналарнинг (акциядорлик жамиятларининг) бозор муносабатлари шароитидаги фаолияти самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда акциядорлик жамиятлари тарзида саноат, савдо корхоналари, банклар, биржалар, воситачи корхоналар, суғурта ташкилотлари, бозорлар фаолият кўрсатмоқда.

Бу ўринда яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, акциядорлик жамиятлари шаклида фаолият кўрсатаётган банк, биржа, суғурта ташкилотлари, бозорлар, инвестиция фондлари ва бошқа юридик шахслар фаолиятини ташкил этиш ҳамда йўлга қўйиш ишлари махсус ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида белгилаб берилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, акциядорлик жамиятлари инвесторлар капиталини бир жойга жамлашнинг ўзига хос тизими ҳисобланади. Фойда кўриш, дивиденд олишдан манфаатдорлик инвесторлар учун бирдан-бир мақсаддир. Табиийки, шахсий манфаатдорлик ҳисси акциядорларни рағбатга чорлайди. Бу шундан далолат берадики, қачонки, акциядорлик жамиятлари акциядорларнинг ишончини қозона олса, унинг келгуси фаолиятидан самара кутиш мумкин. Демак, ўз аъзоларининг ишончини қозониш бундай жамиятлар фаолиятини йўлга қўйишнинг асосий омили экан.

Акциядорлик жамиятлари ўз фаолиятларини шундай юритишлари лозимки, унда иштирок этаётган бирон-бир ҳиссадорнинг манфаатларига зиён етмасин. Жамиятнинг бошқарув органлари билан оддий акциядорлар ўртасидаги муносабатларда номуайянлик, номувофиқлик бўлса, мувозанат бузилади. Ушбу жамиятларнинг ташкилий-ҳуқуқий фаолиятини шундай йўлга қўйиш жоизки, бу жараён жамиятнинг капиталидан самарали фойдаланиш, бошқарувни такомиллаштириш, акциядорларнинг жамият фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятлари ҳамда улар манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминласин.

Юртбошимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилнинг биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишдаги нутқида таъкидланганидек, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун тегишли ҳуқуқий-меъёрий асос яратилган. Бироқ амалдаги қонунларнинг таҳлили уларни такомиллаштириш ва янги ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган ҳуқуқий ҳужжатлар билан тўлдириш зарурлигини кўрсатмоқда. Афсуски, амалдаги баъзи ҳуқуқий ҳужжатларимиз турлича талқин қилиниши мумкин.

Бу эса айрим идоралар ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тадбиркорлик манфаатларига ҳужжат ва қарорлар қабул қилинишига йўл очиб бермоқда...

Баъзи меъёрий ҳужжатлар тадбиркорлик субъектлари манфаатларини эмас, балки айрим идоралар манфаатларини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ҳолбуки, тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш жараёни тадбиркорликнинг ривожланишига ғов-тўсиқ бўлмаслиги керак.

Мазкур анжуман ҳам акциядорлик жамиятларини тузиш, уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда фаолиятини юритиш жараёнидаги ҳуқуқий муаммолар, амалдаги қонунчиликка зид ҳолатларни аниқлаш, шу соҳага алоқадор бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни қонунларга уйғунлаштириш, тўпланган тажрибаларни ўрганиб, таҳлил қилиш, конференция иштирокчилари томонидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифларни умумлаштирган ҳолда тегишли давлат органларига тақдим этиш бу йўналишдаги қонунчиликни мукаммаллаштиришга ҳисса қўшади, деган фикрдамиз.

ВАКОЛАТЛАР АНИҚ БЕЛГИЛАНСА...

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ акциядорлик жамиятларида учта бошқарув органи мавжуд бўлиши назарда тутилган, яъни акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи.

Акциядорлар умумий йиғилиши акциядорлик жамияти бошқарувининг юқори органи ҳисобланади (лекин у акциядорлик жамияти номидан фуқаролик ишларида фаолият олиб бориш ҳуқуқига эга эмас). Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар, умумий йиғилишда иштирок этиш орқали акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этадилар.

Қонунда акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколати доирасига кирувчи масалалар рўйхати кўрсатиб ўтилган. Ушбу масалаларни ҳал қилиш ваколати жамиятни бошқа бошқарув органлари, яъни кузатув кенгаши (жамият низомига унинг низом жамғармасининг кўпайтирилиши билан боғлиқ бўлган ўзгаришларни киритишдан ташқари) ва ижроия органига берилиши мумкин эмас.

Умумий йиғилиш бирон-бир масала юзасидан қарор қабул қилар экан, натижаси бўйича масъулият ҳам унинг зиммасига ўтади. Қонунда умумий йиғилишнинг қарорлар қабул қилиш бўйича ваколатлари кўрсатиб ўтилган бўлса-да, лекин қандай масалалар бўйича қарор қабул қила олмаслиги қайд этилмаган. Демак, кузатув кенгаши ёки ижрочи орган томонидан умумий йиғилишга турли хил масалаларни киритиш имконияти мавжуд.

Кузатув кенгаши ёки ижроия органи бирон-бир масалани умумий йиғилиш қарори орқали қабул қилдирар экан, унинг натижаси бўйича масъулиятни ўзидан деярли соқит қилади.

Шу маънода ҳар бир акциядор, бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг умумий йиғилишга киритилаётган масалаларни тайёрлашга масъулиятли ёндашишидан манфаатдор. Шунинг учун жамият низомида кузатув кенгаши ва ижроия органининг умумий йиғилишга киритилган масалалар ва таклифлар бўйича жавобгарлиги қонуннинг тегишли моддаларида (88-модда) аниқ кўрсатиб ўтилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади. Кузатув кенгаши ваколатлари қонунда аниқ кўрсатиб ўтилган. Лекин қонунда кузатув кенгашининг ижроия органи фаолиятини назорат қилиш бўйича мажбуриятлари аниқ белгиланмаган. Қонунда бу масалага ҳам аниқлик киритилса, яхши бўларди.

Ижроия органи фаолиятини назорат қилиш ишлари унинг фаолиятига тўғридан-тўғри аралашмаслик механизмлари орқали амалга оширилиши лозим. Ижроия органини назорат қилишга талаб, айниқса, ишлаб чиқаришнинг кенгайиши, битимлар сонининг ортиши, жамият фаолиятининг кенгайиши ва мураккаблашиши ҳолларида ортади. Бундай ҳолларда назоратни фақат тафтиш комиссияси ёки аудитор орқали амалга ошириш кутилган натижани беравермайди. Одатда тафтиш комиссияси ва аудитор жамият фаолиятини текширишда асосан молиявий ва бухгалтерлик ҳисоботларини назорат қилиш билан чекланади. Бозор шароитида фаолият кўрсатаётган корхоналарда бундай назорат етарли эмас, албатта. Юқоридагиларни инобатга олиб, жамият низоми орқали кузатув кенгаши ваколатлари ижроия органи фаолияти назорат қисми бўйича кенгайтирилса, фойдадан холи бўлмасди.

Кузатув кенгашининг самарали фаолият кўрсатиши унинг таркибига ҳам боғлиқ. Қонуннинг 83-моддасига мувофиқ кузатув кенгашига сайланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар жамият низоми ёки акциядорлар умумий йиғилиши тасдиқлаган қарор билан белгиланиши мумкин. Бизнингча, жамият низомида ушбу талабларни белгилашда қуйидагиларга эътибор бериш лозим. **Биринчидан,** кузатув кенгашига сайланаётган шахс махсус билимга эга бўлиши, жамият фаолияти хусусиятларини мукаммал билиши керак. **Иккинчидан,** кузатув кенгаши таркибида жамият ривожланишидан манфаатдор бўлган шахслар кўпчиликни ташкил этиши лозим. **Учинчидан,** кенгаш таркибида жамият акциядорларининг асосий гуруҳлари (мисол учун меҳнат жамоаси, йирик инвестордар) манфаатларини ўзида мужассам этувчи шахсларнинг бўлиши ҳам мақсадга мувофиқ.

Қонунда (86-модда) жамият ижроия органининг ваколатларига жамият кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киритилган (акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашининг мутлақ ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно). Лекин қонунда жамият кундалик фаолияти тушунчаси нимадан иборат эканлиги аниқ кўрсатилмаган ва ижроия органи ваколатлари бирма-бир санаб ўтилмаган. Бунинг ўзига хос сабаби бор, албатта. Чунки акциядорлик жамияти шаклида фаолият тури бир-биридан тубдан фарқланувчи турли хил корхоналар тузиш мумкин (ишлаб чиқариш, савдо корхоналари, банклар, суғурта ва инвестиция компаниялари, фондлар ва бошқалар). Шунинг учун улардаги ижроия органи ваколатлари ҳам жамият фаолияти турига қараб бир-биридан фарқланиши мумкин.

Демак, ижроия органининг ваколатларини жамият низомида унинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аниқ белгиланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Акмал ВАЛИЖОНОВ,
Молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ-бюджет сиёсати марказининг бўлим бошлиғи

Акциядорлик жамиятларини тузиш, уларнинг фаолияти ва уларни тугатиш, акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари билан тартибга солинади.

Қишлоқ хўжалиги, банк, инвестиция ва суғурта фаолияти соҳаларида, шунингдек давлат корхоналарини хусусийлаштириш чоғида акциядорлик жамиятлар тузиш ва улар ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун, 1-модда

ҚОНУНЛАР ҮЙҒУНЛИГИ – ДАВР ТАЛАБИ

Банк тизимини ислоҳ қилиш жараёнида акциядорлар ҳуқуқи ҳимояси юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, акциядорлик банклари, уларни бошқарувчи органлар фаолиятини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда республикамизда фаолият кўрсатаётган 38 та тижорат банкларининг 36 таси ташкилий ҳуқуқий мақоми жиҳатидан акциядорлик жамияти шаклида тузилган. Мазкур тижорат банкларида акциялаштириш ва қимматли қоғозлар операциялари билан боғлиқ алоҳида бўлинмалар ташкил этилиб, уларда қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг малака аттестатларига эга бўлган 100 дан ортиқ мутахассислар фаолият кўрсатмоқда.

Тижорат банкларининг эмитент сифатида сармоядорлар ўртасида жойлаштирилган акциялар қиймати 45,0 млрд. сўмга яқинни ташкил қилиб, ушбу акцияларнинг қарийб 10 фоизи аҳолига тегишлидир. Бугунги кунда банкларнинг муомаладаги депозит сертификатлари 20,0 млрд. сўмни (шундан 1,5 млрд. сўмга яқини жамғарма сертификатлари) ташкил қилади.

Республикамиз аҳолисининг 1,0 млн.дан ортиғи қимматли қоғозлар эгалари ҳисобланса, шундан 20 фоизи банк қимматли қоғозлари ҳиссасига тўғри келади.

Банкларнинг барча қимматли қоғозларга жалб қилинган маблағлари 40,0 млрд. сўмни ташкил этиб, шундан 27,5 фоизи хўжалик субъектларининг акцияларига, қолган қисми — давлат қисқа муддатли облигациялари, депозит сертификатлари ва корхона облигацияларига тўғри келади. Банкларда қимматли қоғозлар билан операцияларнинг янги тури — РЕПО битимларини амалга ошириш орқали қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорини ривожлантириш йўлга қўйилган. Мазкур соҳада 1,0 млрд. сўмга яқин битимлар тузилган.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда юз бераётган янгиланишларни эътиборга олган ҳолда амалдаги баъзи қонунларга қўйидагича ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман:

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 24-моддаси 7-хатбошида ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари акциядорларга акциялар ўрнига уларнинг номинал қийматига тенг суммада сертификатлар бериши мумкинлиги белгиланган. Акцияларни сертификат кўринишида чиқаришни очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари ҳам амалга ошириш мумкинлигидан келиб чиққан ҳолда мазкур жумлани олиб ташлаш;

47-моддаси 1-хатбошининг охирги гапидаги "ортиқ бўлган жамият" деган сўзларидан кейин банклар реестр юритиш учун зарур бўлган юқори даражадаги техник база ва малакали мутахассислар билан таъминланганлигини инобатга олган ҳолда ("банклардан ташқари") деган сўзлар киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

"Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддаси ва **"Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида"**ги Қонуннинг 26-моддларини мос равишда 5, 6 ва 2, 3-қисмлар билан қуйидаги таҳрирда тўлдирилса, янада яхшироқ бўларди:

"Эмитентларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши қонунчиликда белгиланган банк сирини ошкор қилмаслик қоидаларига зид келмаслиги лозим.

Тижорат банкларининг ўз қимматли қоғозлари тўғрисида ахборотларни ошкор қилиши Марказий банк томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади".

"Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддаси ва **"Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида"**ги Қонуннинг 27-моддаларини 4- ва 5-қисмлар билан қуйидаги таҳрирда тўлдириш мақсадга мувофиқ:

"Мазкур модда қоидалари банк сири ҳисобланган маълумотларга жорий этилмайди.

Тижорат банкларининг ўз қимматли қоғозлари тўғрисида ахборотларни ошкор қилиши Марказий банк томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади".

"Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасида депозитарий ўзи чиқарган қимматли қоғозларига бўлган ҳуқуқ ҳисобини юритишга, шунингдек, депозитарийнинг ўзи чиқарган қимматли қоғозлардан бошқа қимматли қоғозлар билан олди-сотди, воситачилик, топшириқ, ҳадя, айирбошлаш шартномалари ва бошқа турдаги битимларни тузишга ҳақли эмаслиги таъкидланган.

Ушбу қонуннинг 17-моддаси иккинчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошилари охирги қавс ичида ("банклардан ташқари") сўзлари қайд этилиши лозим.

Биржада "акциялар котировкаси" етарли даражада ривожланишигача ҳамда банклар депозит маблағлари билан операция амалга оширувчи муассасалигидан келиб чиққан ҳолда дивидендлар тўлашни тартибга солувчи Низомга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Ў.ЖЎРАЕВ,
Марказий банкнинг Қимматли қоғозлар департаменти бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи

ЭЪТИРОФ

Адлия идоралари кун сайин аҳоли ўртасида ўз мавқеи ва нуфузига эга бўлиб бормоқда. Хўш, бу нималарда кўринади?

Ўтган 2001 йил давомида шартнома интизоми бузилиш ҳолатлари бўйича жами 258 та даъво аризаси вилоятдаги хўжалик ва фуқаролик судларига бевосита бизнинг кўмагимизда киритилди. Даъво аризалари асосан тўрт йўналишга қаратилган.

Албатта биз мурожаат этилаётган аризачи ва шикоятларни ўрганиш, уларга ёрдам бериш билан чекланиб қолаётганимиз йўқ. Ўтган йилда вилоятдаги 120 та корхона ва ташкилотларнинг иш юритиш тартиби, жараёни билан танишиб чиқдик. Бу ўз натижасини берди. Иш бор жойда камчилик бўлиши бор гап. Мақсадимиз ишда жузъий хато ва камчиликларга йўл қўйган раҳбар ёки мутахассисларни жазолаш эмас, балки камчилик ва хатоларни тузатиш, қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олишдан иборатдир. Ўтган йил давомида йўл қўйилган камчилик ва хатолар учун 63 та тақдимнома киритилиб, 287, 132, 888 сўмлик маҳсулот ҳақлари ўз эгаларига ундириб берилди. Қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича йўл йўриқлар кўрсатилди. Ҳуқуқий давлатчилик ва ҳуқуқий жамият сари дадил одимлар ташланаётган бугунги даврда фуқароларимиз ҳуқуқий саводхонлигининг ошиб бораётганлиги қувонарли ҳол. Албатта, бу борада "Инсон ва қонун" газетасининг муносиб ҳиссаси бор. Айниқса газетанинг кейинги сонларидаги бир қатор ҳуқуқий мақолалар кўпчилик қатори мени ҳам бефарқ қолдирмади.

Газетанинг яқин ўтган сонларида чоп этилган "Фермер бўлиш осонми", "Ҳожи бобо нега "сарсон?" "Фермер нега кредит ололмади?" каби мақолалар бугунги куннинг долзарб мавзусидир. Газета ижодий ходимларининг бу борадаги ишларига омад тилайман.

Миродил ФАЙЗИЕВ,
Фарғона вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Ҳуқуқий саводхонлик сари

МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИ ТУРЛАРИ

Ўтган сонда Маркетингга оид мақолани ўқиган эдингиз. Унда маркетинг тарихи ва дастлаб қайси давлатларда қўлланила бошлагани ҳақида мулоҳаза юритилган эди. Қуйида маркетинг фаолияти турлари билан танишасиз.

Маркетингнинг асосий тамойиллари бозорни билиш, унга мослашиш ва таъсир ўтказишдан иборатдир. Асосий вазифаси эса бозор концепциясининг стратегия ва тактикасини ишлаб чиқишни ташкил қилади. Умумий кўринишда маркетинг стратегияси корхона имкониятларини бозор талаблари даражасига мослаштиришдир.

Одатда маркетинг тизимида ишлашга ўтган корхона ва ташкилотлар маркетинг фаолиятининг жами томонларини бажаришга интилмайди. Ҳатто жаҳондаги энг йирик корпорациялардан бири бўлган "Женерал моторс" фирмаси ҳам маркетинг фаолиятининг барча имкониятидан фойдалана олмаган. Сабаби шуки, ишлаб чиқарувчиларнинг кўпчилигида зарур молиявий ресурслар йўқ ёки муайян фаолиятни самарали амалга оширишга кичиклик қилади. Шу боис улар ахборот тўплаш ва таҳлил этишда махсус реклама агентликлари ҳамда тадқиқот ташкилотлари хизматидан фойдаланишни афзал кўради.

Маркетинг фаолиятининг бошқа белгиси мақсад ўзгармаган ҳолда унинг мазмуни миқёс ва фаолият турлари нуқтаи назаридан муттасил янгиланиб туришидадир. Шу сабабли ҳозирги адабиётларда маркетинг фаолияти қўламини белгилаш ва уни тавсифлашда турлича қарашлар мавжуд. Масалан, С.Кандифор ва Р.Стилл маркетинг фаолиятини фаол равишда тушуниш усулини таклиф этадилар. Улар маркетинг фаолиятининг тўққизта асосий соҳаси (вазифаси)ни кўрсатиб ўтади.

1. Режалаштириш ва маҳсулот яратиш;
2. Маҳсулотнинг стандарт ва навларини белгилаш;
3. Маҳсулот хариди ва уни гуруҳлантириш;
4. Сотиш;
5. Омборларга жойлаш;
6. Транспорт хизмати;
7. Маркетинг фаолиятини молиялаш;
8. Хавф-хатар;
9. Бозорга оид ахборотлар тўплаш.

Режалаштириш ва маҳсулот яратиш фаолиятининг жорий этилиши масалани янада замонавийроқ тушуниш, корхонанинг эътибор марказида турган, моддий бойлик ва хизматлардан баҳраманд бўлувчиларга нисбатан фаол муносабатда бўлишини эътироф этиш демакдир. Маҳсулотнинг талабга мослашуви узлуксиз жараён ҳисобланади, чунки маҳсулот турлари эскиради, шунинг учун ҳам уларни истеъмолчиларнинг долзарб эҳтиёжларига тадрижий суръатда мувофиқлаштириб бориш ва янги маҳсулотларни яратиш лозим. Акс ҳолда корхона бозорни назорат қила олмай қолади.

Маҳсулотларни стандартлаштириш товар ишлаб чиқариш ва сотишни осонлаштиради ва таклифни талаб билан янада аниқроқ мувофиқлаштиришга имкон беради.

Учинчи фаолият соҳаси — маҳсулот харид қилиш ва гуруҳлаштириш ташкил топган. Маҳсулот қаерда ишлаб чиқарилганлиги ёки қай даражада ихтисослашувига боғлиқ бўлмаган ҳолда унинг истеъмолчига етиб боришига қадар сотишга тайёрлашдан иборат.

Тўртинчи фаолиятни ташкил этадиган сотиш олди-сотди ишидан ташқари, истеъмолчиларни излаш, талабни шакллантириш, шунингдек, маҳсулот олувчига маслаҳат бериш ва бошқа хизматларни ўз ичига олади. Бешинчи ва олтинчи фаолият товарларни омборларга жойлаш ва ташишга дахлдор хизматларни ўз ичига олади. Еттинчи фаолият — маркетинг фаолиятини молиялашда кредит олиш ва савдо ёки банк кредити тақдим этишни талаб этади.

Саккизинчи фаолият — хавф-хатар хўжалик фаолиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Хавф-хатар бозордаги иштирокчиларнинг биридан иккинчисига кўчиб туриши ва суғурта битишувлари йўли билан икки томон учун суғурта предметига айланиши мумкин.

Тўққизинчи фаолият, бозор ахборотини тўплаш — бу Е.Кандифор ва Р.Стилл тизимининг сўнгги соҳаси. Бозор ахбороти муайян моддий бойлик ва хизматларга бўлган талаб даражаси, унинг жойлашуви ва атрофлича тафсилотини билишга ҳамда бозорнинг айрим қисмлари, ўзига хос томонларининг талаб даражаси ва йўналишларини ўрганишга имкон беради. Шунингдек, рақиблар таъсирини, уларнинг фаолият соҳалари ва режалаштираётган ниятларини таҳлил этиш ҳамда тўғри қарорга келишини муайян даражада осонлаштиради.

Шундай қилиб, бозор ахборотини тўплаш ва тадқиқ этиш вазифалари билан маркетинг фаолияти ҳам бошланади, ҳам ниҳоясига етади. Худди мана шунда унинг фаолиятидаги ўзига хослик намоён бўлади. Биз юқорида санаб ўтган фаолиятларнинг ҳар бири ўзича муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда, маркетинг фаолияти истеъмол товарлари маркетинги, хизмат маркетинги ва ишлаб чиқариш воситалари маркетинги кўринишида алоҳида-алоҳида ўрганилади.

Газета ёрдам қилди

ДЕПУТАТ АРАЛАШУВИДАН СЎНГ...

"... Мен шу йилнинг ёз ойида "Дарбанд" жамоа хўжалигининг Қумсой ҳудудида балиқчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалиги ташкил қилган эдим. Давлатдан бирон сўм ҳам қарз олмасдан, жилғадан оқадиган булоқ сувлари эвазига иккита кўл яратдим. Ана шу табиий кўлларга 500 минг дона турли хил балиқ уруғларини олиб келиб ташлаган эдим. Айни кунларда балиқларнинг олди 300 граммдан тош босади. Улар ҳозиргача табиий равишда озиқланган. Қиш-қировли кунлар эса балиқларга кўлдан озуқа беришни талаб этмоқда. Шу мақсад билан тумандаги "Пахтабанк"дан кунжара ва камбикорма олиш ниятида бир миллион сўм кредит сўраган эдим. Ишим битмай сарсон-у саргардонман..."

Бу Сурхондарё вилояти, Бойсун туманидаги "Қумсой" фермер хўжалик бошлиғи Басир Жўраевнинг тахririятга юборган шикоят хатидан кўчирма эди.

Сурхондарёдаги махсус мухбиримиз Собир Ёдиков ушбу шикоят хати юзасидан банк мутаасддиси, Олий Мажлис депутати Парда Мадиевга учрашди.

— Ҳақиқатни айтадиган бўлсам, бундай фермерлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланишга арзийди, — дейди у. — Ахир, сир эмас, айрим тадбиркорларимиз осмонни кўзлаб маълум миқдорда кредитлар олганларича, сўнг тўлай олмай бизни ҳам, ўзини ҳам сарсон-саргардон этаётганликлари учраб турибди. Кўп ҳолларда ҳужжатлари талабга жавоб берсада, кредитни бошқа мақсадларга ишлатиб юбораётган ёки умуман қайтаролмаётган "тадбиркорлар" ҳам йўқ эмас. Шу сабаб, юқоридаги шикоят хати юзасидан бизнинг вакилимиз шахсан бориб фермернинг барча бажарган ишлари билан жойида танишиб чиқди. Тан олиш керак, тадбиркор Б.Жўраев анчагина ишларни амалга ошириб қўйган. Ушбу фермер фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланишга арзийди. Шу сабаб, "Қумсой" фермер хўжалигининг кунжара ва камбикорма олиш учун кредит ажратиш тўғрисидаги аризаси яқин кунларда ҳал қилинади. Бундан кейин ҳам биз бундай тадбиркор, соф ниятли, ҳалол меҳнат қиладиган фермерларга банк томонидан кредитлар ажратишга, барча имкониятлар яратиб беришга тайёрмиз.

Шунақа... Депутат аралашувидан сўнг кредит ололмай бизга мурожаат қилган фермернинг иши битадиган, фермернинг ўйлаб қўйган режалари, мақсаду ниятлари амалга ошадиган бўлди...

Бугуннинг гапи

ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ РИВОЖДА

Бироқ тўсиқлар ҳам йўқ эмас



Давлатимиз фермерлик ҳаракатига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг негизи, ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қараётгани бугун барчага аён. Кейинги йилларда қабул қилинган **"Деҳқон хўжаликлари"**, **"Фермер хўжаликлари"** тўғрисидаги Қонунлар, Ер кодекси ва бошқа қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар бу ҳаракатнинг муҳим стратегик вазифага айланганидан далолат беради. Мазкур қонун ҳужжатлари ҳаётимизга кириб келиши туфайли фермерлик ҳаракати ривожи сезиларли даражада жадаллашди. Хоразм вилоятида амалга оширилган ишлар бунга яққол далил бўла олади. Ушбу қонунлар қабул қилинганидан буён ўтган фурсат ичида вилоятдаги деҳқон ва фермер хўжаликлари сони 2,5 ҳиссага ортиб, қарийб 3800 тага етди.

2001 йилнинг ўзида 978 та деҳқон ва фермер хўжаликлари таркиб топди.

Фермерлик ҳаракати самарадорлигини оширишнинг яна кўпдан-кўп қўшимча имконлари мавжуд. Ана шу имкон ва ечимталаб масалалар вилоятнинг Урганч туманида ўтказилган амалий семинар-кенгашда атрофлича баён этилди. Фермерларнинг 300 нафардан кўп вакиллари иштирок этган мазкур анжуманни Олий хўжалик суди, Хоразм вилояти ҳокимлиги ва вилоят деҳқон-фермерлар уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказди.

Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари М.Азимов, вилоят хўжалик суди раиси Қ.Каримов, вилоят деҳқон-фермерлар уюшмаси раисининг ўринбосари М.Жуманазаров, вилоят адлия бошқармасининг бўлим бошлиғи О.Маткаримов, Урганч тумани ҳокими Р.Зоирхоновнинг маъруза ва нутқларида мазкур ҳаракат ривожига деҳқон-фермерлар онгидаги эскича фикрлаш сарқитлари, ҳуқуқий билим савиясининг етишмаслиги каби камчиликлар асосий тўсиқ бўлиб келаётганлиги алоҳида таъкидланди.

— Дала ва фермаларда яратилаётган ноз-неъматларга шаҳар ва туман марказларидан туриб буюртма бераётган истеъмолчилар оддий меҳнаткаш деҳқон-фермерларга қараганда анча "билимдон" — деди М.Азимов. — Бу ҳолат вилоят мисолида ўрганилганда масаланинг айрим номутаносиб жиҳатлари намоён бўлди. Чунончи, вилоятда мавжуд бўлган бир неча буюртмачи ва истеъмолчи корхоналар ташкилотлар 2001 йили деҳқон-фермер хўжаликлари фаолияти юзасидан хўжалик судларига 95 та ариза ва шикоятлар йўллашган бўлса, сони 3800 га етган қишлоқ тадбиркорлик субъектлари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, бор-йўғи 68 марта мурожаат қилишган. Бу иш ҳам асосан деҳқон-фермерлар ҳуқуқини ҳимоя қилаётган вилоят адлия бошқармасининг тегишли бўлими томонидан амалга оширилган. Фермерлик субъектлари ишни кўриш жараёнида 17 та даъво аризасини қайтариб олишгани эса яна ҳам тажжубланарли ҳол бўлди. Бу баъзи деҳқон ва фермерлар онгида ўз ҳуқуқларини етарли тарзда ҳимоя қилиш кўникмаси ҳанузгача юзага келмаганлигини кўрсатади. Деҳқон ва фермер хўжаликлари айрим жойларда етарли ҳозирлик ва шарт-шароитларсиз, пала-партиш ҳамда чала-ярим шакллантирилаётгани ҳам пировардида жиддий ташвиш ва муаммоларга сабаб бўлаяпти. Шартномавий муносабатлар ва нарх-наво масалаларида эса маҳсулот етиштирувчилардан кўра буюртмачи ва истеъмолчилар кўпроқ имтиёзга эга бўлишаяпти.

Шу каби камчиликларнинг ечими, шунингдек қишлоққа хорижий технология ва маблағларни кўпроқ жалб этиш, кредит ҳамда молиялаш масалалари ҳам кўплаб фикр-мулоҳазаларга сабаб бўлди. Анжуман асосида унинг иштирокчилари мазкур масала ва муаммолар ечими бўйича етарли амалий ва назарий йўл-йўриқларга эга бўлишди.

Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ТАДБИРКОРГА ЕЛАДИГАН

Банк тизими

Тадбиркорликни ривожлантириш кўп қиррали мураккаб жараён бўлиб, бу борада банк тизими алоҳида аҳамият касб этади. Банклар нафақат мавжуд ресурсларни жойлаштириш, балки даромад манбаи сифатида ҳам катта нуфузга эга. Бинобарин, кичик ва ўрта бўғин тадбиркорлик вакиллари ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш банк тизимининг бир маромда ривожланиб боришига асос бўлиши баробарида ўзаро манфаатли ҳисобланади.

"Ўзсаноатқурилишбанк" мамлакатимиздаги етакчи кредит муассасаларидан бири ҳисобланади. Мазкур банк ўзининг республикамиздаги шаҳобчалари ва жамғарма кассалари орқали юртимизнинг барча ҳудудларидаги турли мулкчилик шаклларига асосланган корхона ва ташкилотларда банк операцияларини амалга ошириб, кенг молиявий хизмат турларини кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, унинг мамлакат янги банк тизимини шакллантириш ва иқтисодиётни қайта ташкил этиш жараёнига салмоқли ҳисса қўшаётганини таъкидлаш жоиз. Банк акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва мижозлар билан ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатиш орқали тадбиркорликни ривожлантириш дастурини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Яна шуни айтиш лозимки, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг олиб бораётган кредит сиёсати Ўзбекистонда тадбиркорликни кредитлашнинг ишончли тизимини ташкил этиш имкониятини яратди. Бунинг натижаси ўлароқ, банк кредит портфели 1.5 бараварга кўпайиб, 2002 йилнинг 1 январ ҳолатига 125 млрд. сўмни ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда "Ўзсаноатқурилишбанк" тизими қарийб 19 минг кичик ва ўрта бизнес субъектларига хизмат кўрсатиб келмоқда. Уларнинг 700 тасини деҳқон ва фермер хўжаликлари, 14 мингтасини юридик шахс мақомини олган ва 4 мингдан ортиғини юридик шахс мақомини олмаган тадбиркорлар ташкил этади. Айтиш мумкинки, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича ўз маблағлари ҳисобидан миллий валютада кредитлаш умумий қўйилмалар миқдорининг 10.0 млрд. сўмини ташкил этади.

"Ўзсаноатқурилишбанк" мамлакат миқёсидаги макрокредитлаш дастурида ҳам фаол иштирок этмоқда. Берилган микрокредитларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалигини ривожлантириш (63%), саноат (27%), қурилиш ва хизмат кўрсатиш (5%) ва бошқаларга (5%) йўналтирилган.

Ўтган йилда банкда ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик ва ўрта корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, юқори технологияли ва инновация лойиҳаларини имтиёзли кредитлаш жамғармаси ташкил этилди. 2002 йил 1 январ ҳолатига унинг миқдори 2,5 миллиард сўмдан ортиқ бўлди. Умуман олганда, жорий йилда кичик ва ўрта корхоналар ҳамда хусусий тадбиркорларга берилган банк кредитлари натижасида 7,5 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди ва 12 млрд. сўмликдан ортиқ турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Банк томонидан халқаро молия институтлари маблағларини ўзлаштириш бўйича ҳам фаол иш олиб борилмоқда. Жумладан, кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириш учун банкда 15 млн. АҚШ доллари миқдорида Европа Тикланиш ва Тараққиёт банкининг кредит линияси очилган. Ҳозирги вақтда ЕТТБ томонидан умумий ҳажми 10 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 6 та лойиҳа тасдиқланган. Бунда асосий эътибор маҳаллий хомашёни қайта ишлаб чиқариш, рақобатбардош импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган лойиҳаларга қаратилди. Бу каби кредит линияларини очиш бўйича Халқаро Молия Корпорацияси, Осиё Тараққиёт Банки ва Германия KfW банки билан музокаралар олиб борилмоқда.

Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун қулай шароит яратиш мақсадида кредитлаш механизмини такомиллаштириш борасида банк томонидан аниқ ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ҳисоб варақаларни очиш ва кредит бериш тартиби бирмунча осонлаштирилди. Жорий йил мобайнида тадбиркорларга бериладиган кредитлар миқдорини 10893,0 млн. сўмга етказиш ва қўшимча тарзда яна 2000,0 млн. сўм имтиёзли фонд ҳисобидан маблағ ажратиш режалаштирилган.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, "Олтин балиқча" ишлаб чиқариш савдо корхонасига 2001 йил май ойида мева шарбати ва томат пастаси ишлаб чиқариш учун 12000,0 минг сўм миқдорида кредит ажратилган. Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш цехида монтаж ишлари амалга оширилгандан сўнг кунига ўртача 1500-2000 дона 1 литрлик махсус идишда томат қайласи ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирги кунга қадар махсус идишда 48 минг дона шундай маҳсулот тайёрланган. Корхона томонидан 22560,0 минг сўмлик маҳсулот сотувга чиқарилган. Ажратилган кредитнинг 1 сўми эвазига 7 ой мобайнида 1,80 сўм фойда олган. Бунинг натижасида янгидан 24 та ишчи ўрни яратилган.

"Мустақиллик" фирмасига 2001 йил 16 мартда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ускуналар сотиб олишга 80000,0 минг сўм кредит ажратилган эди. Фирма томонидан банк кредити 2001 йилнинг II чораги давомида тўлиқ ўзлаштирилиб, маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилган. Бугунги кунга қадар фирма томонидан жами 129800,0 минг сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан 99800,0 минг сўмлик маҳсулот сотилди. Натижада пул айланма миқдори 99800,0 минг сўмни ташкил этди. Фирма томонидан банк кредитидан фойдаланиб, жами 77 та ишчи ўрни яратилди. 9 ойлик фаолият натижалари бўйича 15600,0 минг сўм соф фойда олинган.

Банк фаолиятида бундай мисолларни кўплаб учратиш мумкин.

Агар "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг молиявий стратегияси ва барча фаолияти ҳақида гапирсак, улар ягона мақсад — Ватанимиз иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтирилганлигини кўрамиз.

Хулоса қилиб айтганда, "Ўзсаноатқурилишбанк" кичик ва ўрта бизнес вакилларига хизмат кўрсатишдан мамнун ва мамлакатимиз иқтисодининг юксалишига йўналтирилган ҳар қандай ташаббусни қўллаб-қувватлашга ҳамиша тайёрдир.

Бобомурод РАЙИМОВ,
Баҳодир ФАЙЗИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбирлари

Ҳуқуқий маърифат

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ СЎРОҚ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Тергов амалиётида ҳатто боғча ёшидаги болаларни гувоҳ сифатида сўроқ қилиб, яхши натижаларга эришилган ҳолатлар мавжуд. Бироқ вояга етмаганларни қайси ёшдан бошлаб гувоҳ сифатида сўроқ қилиш мумкинлиги қонунда қайд этилмаган. Вояга етмаганлар, айниқса, мактабгача ёшда бўлган болалар табиатан ўта ишонувчан, содир бўлган ҳодисани чала идрок қилинган манзарасини тўқиб-чатиб тўлдиришга мойил бўлишади.

СИЗ У ТЎҒРИСИДА НИМА БИЛАСИЗ?

Ҳали ҳаётий тажрибага эга эмас, бунинг устига касбий билимларининг йўқлиги уларнинг у ёки бу ҳодисани тўла идрок этиш ва хотираларида қолган ахборотни сўроқ пайтида тўғри акс эттиришга халақит беради. Аммо улар содир бўлган ҳодисанинг энг таъсирли жиҳатларини, тафсилотларини (масалан, автомашинанинг рақами, жиноятчининг кўзга ташланадиган белгилари ва ҳакозо) эслаб қолади. Вояга етмаганларнинг ҳаёти ҳиссиётларга бой бўлади ва кейинги таассуротлар кўпинча идрок этилган манзарани унутишга сабаб бўлади. Шу сабабли уларни сўроқ қилишни кечиктириб бўлмайди. Албатта, болаларни сўроқ қилиш турли ёшларда турлича амалга оширилади. Уларнинг кўрсатмаларини холисона баҳолаш ҳамда сўроқни муваффақиятли олиб бориш учун вояга етмаганларнинг ёши ва шахсий хусусиятлари билан боғлиқ ҳолларни яхши билиш жуда муҳимдир. Шундан келиб чиқиб, болаларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин: мактабгача ёшдаги болалар, бошланғич синф ўқувчилари, ўрта ва юқори синф ўқувчилари.

Вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилишга тайёргарлик кўришда терговчи унинг ёши, феъл-атвори ва хулқи тўғрисида ҳақида етарлича маълумот тўплаши зарур. Терговчи бу маълумотларни мактаб, ўқитувчи ёки боланинг яқин одамларидан билиб олиш мумкин. Ҳаётда шундай ҳам бўладики, баъзан ёш болалар азбаройи қўрқувга тушганидан билган нарсаларни ҳам айтишдан бош тортишади.

Шунинг учун бундай пайтда вояга етмаган гувоҳларни ишонтириш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, жиноий ишлардан манфаатдор бўлган шахслар таъсиридан қутқариш ва гувоҳга ҳеч қандай зарар ҳамда хавф йўқлигини тушунтириш лозим.

Бунинг устига ёш болаларни қулай шароитда ва уларнинг ўзига таниш бўлган жойда сўроқ қилиш маъқулроқ. Қонунга биноан вояга етмаган гувоҳларни сўроқ қилиш жараёнида уларни яқин одамлари, ота-оналари, ака ёки опалари, ўқитувчи иштирок этиши керак.

Баъзан шундай ҳам бўладики, кичик ёшдаги гувоҳлар ўқитувчи ёки синф раҳбарларидан иштирокида азбаройи уялиб, очиқ кўрсатма бера олмайди. Бундай пайтда зарурат туғилса, ўқитувчини бошқа мактабдан чақирилиши ўринлидир. Чунки гувоҳга таниш бўлмаган мутахассиснинг сўроқ жараёнига қатнашиши яхшироқ натижа бериши мумкин.

Албатта, ёш болаларни сўроқ қилиш терговчидан алоҳида маҳорат талаб қилади. Агар терговчи нўноқ ва уқувсиз бўлса, ёш болаларни сўроқ қилишда кутилган натижага эришолмайди. Шунинг учун терговчи болаларни сўроқ қилишда улар учун қизиқарли бўлган суҳбатдан бошлаб ишончини қозониши керак. Шундан кейин иш юзасидан савол бериш мумкин. Бунинг устига сўроқ вақтида уларни толиқтириб қўймаслик учун тез-тез дам бериш, чарчоғини ёзиш лозим.

16 ёшдан ошган гувоҳлар кўрсатма беришдан бош тортиб ёки атайин ёлғон кўрсатма берганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида ҳақида огоҳлантирилади, 16 ёшдан кичик бўлган гувоҳларга эса уларнинг берган кўрсатмалари нечоғлик аҳамиятга эга эканлиги ва жиноий иш учун муҳим аҳамият касб этиши обдон тушунтирилиши лозим.

Ўспирин, айниқса, 16-18 ёшдаги болаларнинг ақл-идроки, тасаввури равшан, тўла ва аниқ бўлади. Шу жиҳати билан улар катта ёшдагиларга ўхшайди. Бу ёшдаги ўспиринлар ўзлари идрок этган ҳодисаларнинг моҳиятини англаш, фикрлаш, мулоҳаза юритиш, уларнинг ичидан муҳимларини ажратиб олишга ҳаракат қилади. Энг муҳими, уларнинг тасаввури ҳақиқатга мослиги, мустақил фикрлаш тарзи, ҳар бир воқеа-ҳодисага танқидий баҳо бериши ва фикрларнинг асосланганлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга ёшларда ижтимоий муаммоларга, ўзларининг келажакдаги касби, ҳаётда ўз ўрнини топишга интилиш кучли бўлади.

Вояга етмаган болаларни сўроқ қилиш бу жараённинг холислигини таъминлайдиган қўшимча процессуал кафолатларга эгадир. Шу туфайли сўроқ қилиш жараёни криминалистика фани ишлаб чиққан алоҳида тактик усуллардан кенг фойдаланишни кўзда тутади.

Яна шуни айтиш керакки, 11 — 15 ёшдаги ўспиринлар руҳияти жиноий ишда қатнашувчи катта ёшдаги кишилар билан мулоқот қилиш, бурч ва мажбурият тушунчасининг пайдо бўлиши ва шаклланиши билан ажралиб туради. Агар кузатган бўлсангиз, ёшлар айни шу ёшда кўпроқ катталарга тақлид қилишади. Аммо уларнинг ёшларига боғлиқ руҳий жараёнга кўра, катта ёшдагиларнинг ҳамма хатти-ҳаракатларини тўғри қабул қила олишмайди. Шу туфайли ҳам улар заиф одамларнинг ножўя хатти-ҳаракатларини маъқуллайдиган ҳолатлар ҳам учраб туради.

Бундай пайтда болалар қизиққон бўлишади: бБаъзан улар дўстликнинг маъно-моҳиятини нотўғри тушуниб, дўст учун жиноий йўлга кириш ёки кимдир содир этган жиноятни ўз бўйнига олишдан ҳам тоймайди.

Албатта, вояга етмаган шахсларни сўроқ қилишнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Шунинг учун бу жараёнга терговчи алоҳида тайёргарлик кўриши керак. Шуни таъкидлаш жоизки, сўроқни қаерда ва қачон, кимлар иштирокида ўтказиш, қандай тактик услулда олиб бориш, саволларнинг мантиқан аниқ мақсад йўналтирилгани каби масалаларни олдиндан белгилаб олиш тергов ҳаракатини муваффақиятли ўтишига хизмат қилади. Ёш болаларни сўроқ қилишда процессуал қонун нормаларига зид бўлмаган тартибда турли тактик услулларни ҳам қўллаш мумкин. Кичик ёшдаги сўроқ қилинувчиларнинг шахсини аниқлагач, бевосита савол-жавобга ўтилади, "эркин сўзлаб бериш" босқичини савол қўйиш йўли билан аниқлаб олиш мумкин. Энг муҳими саволлар аниқ ва тушунарли шаклда тузилмоғи лозим.

Вояга етмаган айбланувчи ва гумон қилинувчини сўроқ қилиш аҳамияти, уни ўтказиш жойи, процессуал тартиби, нима учун уни айбланувчи (гумон қилинувчи) сифатида сўроқ қилинаётганлигини тушуниб олишга боғлиқ. Вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилиш текширилаётган жиноий иш бўйича унинг тутган ўрни, у билан тарбиявий соҳада суҳбат эмас, балки тергов ҳаракати ўтказилаётгани ва у масъулиятни ҳис этиб содир қилган жиноий ҳаракатини қандай оқибатга олиб келганини тушунишга қаратилиши лозим.

Вояга етмаган болаларни сўроқ қилиш жараёнида терговчи руҳий мулоқот ўрнатиши, улардан ҳаққоний ва тўла маълумот олиши фақат жиноий ишни очишга хизмат қилиб қолмай, балки уларни кейинги тақдирини ҳал этишга қаратилганлигини ҳам тушунтириши лозим.

Бунинг устига, вояга етмаган болаларнинг руҳияти жуда нозик оқлади. Шунинг учун уларга сўроқ жараёнида мулойим, ҳайрхоҳ ва мақсадли тарзда муомала қилинмаса, уларнинг қалбига йўл топиш қийин ва тўғри кўрсатма олиш мумкин бўлмай қолади.

Албатта, сўроқ жараёни вояга етмаган боланинг ёши, психологик хусусиятига мос равишда ўтказилади. Агар вояга етмаган боланинг жиноий ишда иштирокчи бўлса, унга нисбатан катта ёшдаги айбланувчилар томонидан қандайдир таъсир ўтказиш ёки ҳаёти, саломатлиги учун хавф-хатар туғилса, терговчи бунга нисбатан зудлик билан тегишли чора кўриши ва унинг хавфсизлигини таъминлаши шарт. Шундагина вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчи сўроқда тўғри ва холис маълумот беради.

Ўн олти ёшгача бўлган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш қонуний вакили ёки катта ёшдаги яқин қариндоши, педагог ёки жабрланувчининг вакили иштирокида уларнинг розилиги билан ўтказилади. Кўрсатилган шахслар сўроқ қилувчининг рухсати билан гувоҳ ёки жабрланувчига саволлар беришлари мумкин.

Ўн олти ёшгача бўлган гувоҳлар ва жабрланувчилар кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайдилар, бироқ суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи шу гувоҳ ва жабрланувчиларга уларнинг процессуал ҳуқуқи ва мажбуриятларини тушунтириш чоғида ҳаққоний кўрсатув бериш ва бу билан жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга кўмаклашиш маънавий бурч эканлигини эслатиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК, 121-модда

Абдужаббор ҚУРБОНОВ,
юридик фанлар номзоди

Жамият, инсон, ҳуқуқ

ЎН ЙИЛЛИК МОЖАРО

Илҳом Турдалиев бундан 10 йил муқаддам Сирдарё ГРЭСидаги ўт ўчириш бўлимида радиотелефонистликдан бўшатилган эди. У ўзини ишдан ноқонуний бўшатилган ва ноқонуний бўшатилганлиги ҳақидаги даъво аризалари судларда юзаки кўрилган, деб ҳисоблайди.

Ўша буйруққа 10 йил, уни тўғри деб топган суд қарори ва ажримига қарийб 8 йил бўлибдики, И.Турдалиев бу буйруқ ва суд ҳужжатларидан ҳамон норози.

И.Турдалиевни норози қилган сабаблар нима экан?

— 1991 йил 10 декабр соат 9 ларда навбатчиликни қабул қилдим. Ўша пайт телефон қўнғироғи жиринглаб қолди, — дейди И.Турдалиев. — Гўшакни кўтарганимда кимдир бошлиғимиз, яъни ГРЭСдаги ўт ўчириш бўлими бошлиғи Руфат Каримовни сўради. Бошлиғимиз ҳозирча йўқлигини, у кишини топиш учун 4-43 рақамли телефонга қўнғироқ қилиши мумкинлигини ўзбек тилида айтишим билан гўшак қўйиб қўйилди. Ҳатто ўзининг ким эканлигини ҳам айтгани йўқ. Мен хизмат фаолиятим билан шуғулланишда давом этдим.

Бироз вақт ўтгандан сўнг бошлиғимиз Р.Каримов мени ўз хонасига чақириб қолди. Боришим билан нега унга қўнғироқ бўлганлигини айтмаганлигим учун бақира кетди. Мен у киши йўқ бўлганлиги сабабли хабар беролмаганлигимни, лекин телефон рақамини айтганлигимни бошлиғимизга тушунтиришга ҳаракат қилдим. У киши эшитишни ҳам истамай, "нега ўзбек тилида жавоб берасан", дея дағдаға қила кетди. "Ўзбекистон мустақил бўлди, ўзбек тилида гапириш мумкин эмасми?"—деб жавоб бердим. Р.Каримовнинг янада жаҳли чиқиб, ишдан кет, деб бақирди ва ўша куни мен ишдан ҳайдалдим. 23 декабр куни эса ишдан бўшатилганлигим ҳақида буйруқ чиқди.

1992 йил 7 апрелда ишга тиклаш масаласида Гулистон шаҳар судига даъво аризасини ёздим. Ариза судья С.Очиловага топширилди. Ишдан ҳайдашда бошлиғим Р.Каримов қаерга мурожаат қилсанг қилавер, менинг қўлим узун, деган эди. Ҳақиқатан ҳам, "қўли узун"микин, судья С.Очилова бу иш судга тааллуқли эмас, деган важ билан ишни кўрмай қайтарди.

Ниҳоят, 18.02.1994 йилда Сирдарё вилоят судининг раиси Т.Исақулов томонидан ишни кўрмай, аризамни орқага қайтариб юбориш юзасидан чақирилган судья С.Очилованинг ажрими ноқонуний деб топилиб, ишни судда кўриш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ишни Гулистон шаҳар суди кўриб чиқиб, даъвомни рад этди ва ишдан мени тўғри бўшатилган деб топди. Сирдарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов коллегиясининг ажримида аввалги суднинг ҳал қилув қарори маъқулланди. Назорат тартибидаги берган шикоятимиз эса асоссиз деб топилиб, оқибатсиз қолдирилди.

Судларнинг ҳам ўша буйруқни тўғри деб топиб, ишдан тўғри бўшатилганлигимни маъқуллаши менга қаттиқ таъсир қилди. Ўзбек тилида гапирганим ва бошлиғимизнинг шахсий муносабати ишдан бўшатилишимга сабаб бўлганлигини ҳали-ҳамон ҳазм қилолмайман. Меҳнат қонунларида назарда тутилмаган бундай жазони судлар ҳам маъқуллагани ҳайрон қолдиради.

Бу сувларнинг ҳам оқиб кетганига 10 йил бўлди. Энди қаддини кўтараётган мустақил Ўзбекистон ҳозир оёққа туриб улгурди. Ҳамма жойда қонун устуворлиги таъминланаяпти. Шу туфайли бўлса керак, адолатни тиклаш учун менда илинж пайдо бўлди. Ахир, инсоннинг шаъни, адолат оқизиқ эмаски, уни сувга ташлаб оқизиқ қилишларига бемалол йўл қўйиб берсак.

"И.Турдалиевнинг ишга тиклаш ҳақидаги даъво аризасини рад қилишда судлар фақат жавобгар томоннинг кўргазмаларини асос қилиб олган, холос.. Уни текшириш, ўрганиш, келтирилаётган важлар асослими, қонунга тўғри келадими каби масалаларни ўйлаб ҳам кўрмаган, — дейди ҳимоячи М.Ханжаров. — Мен И.Турдалиев иши билан яқинда танишиб қолдим. Жавобгар томон — Ширин шаҳар ўт ўчириш бўлими судда И.Турдалиевнинг даъвосини рад қилиш учун 2 та асосий сабабни кўрсатади, яъни 15.08.1989 йилда ишга чиқмаганлиги учун И.Турдалиевга "строгий выговор" ва 16.03.1990 йилда иш формасини нотўғри кийганлиги учун "замечание" берилган экан."

Жавобгар томоннинг судда тилга олган 15.08.1989 йилдаги "строгий выговор"и ҳамда 16.03.1990 йилдаги "замечание" тирноқдан кир ахтариш ёки қилдан кўприк ясашдек бир гап. 1980 йилда мақтов ёрлиғи, икки бор, яъни 1990 йилнинг апрел ва ноябр ойларида пул мукофоти билан мукофотланган ходимнинг узрли сабаб билан ишга чиқолмаганлиги учун берилган қаттиқ ҳайфсанни ва галстук тақмаганлиги туфайли олинган огоҳлантиришни ходимнинг ишдан бўшатилишига сабаб қилиш бундан ортиқ қандай таърифга лойиқ бўлиши мумкин?

И.Турдалиев ўша пайтдаги "тушунтириш хати"да ўзининг қовун ҳосилини Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрига олиб кетаётган автомашинанинг орқа "кўприги" сингалигини туфайли бир кун йўлда қолиб кетганлигини, шу сабабли 15.08.1989 йилда ишга чиқолмаганлигини баён этган. Ўша пайтда амалда бўлган Меҳнат қонунлари Кодексининг 41-модда 4-қисм талабига кўра ишчи ёки ходим узрсиз сабаб билан ишга келмагандагина бу ҳаракат "прогул" деб топилади. Ана ўшанда бу ҳаракатга нисбатан интизомий жазо қўллаш мумкин. И.Турдалиевнинг "прогул"и ўша вақтдаги қонун талабига кўра узрли деб топилиши лозим. Ва унга бу узрли сабаб учун 41-модда 4-қисмга кўра ҳайфсан бериб бўлмайди.

Бинобарин, суд И.Турдалиевга берилган ҳайфсаннинг асосли ёки асоссиз эканлигини аввало текшириш шарт эди. Аммо суд жавобгар томоннинг гапларини қулоқлари билан эшитишни афзал билган холос. Уни қонун тарозисига қўйиб, ўлчаб кўриши лозимлигини эсдан чиқариб қўйган. Суд фалончиларнинг "деди-деди"си билан эмас, қонун билан, унинг асосида ишлаши керак эмасми, ахир?!

Қолаверса, 15.08.1989 йилдаги И.Турдалиевга берилган "строгий выговор" асосли деб топилганда ҳам бу интизомий жазо Меҳнат қонунлари Кодексининг 161-моддаси талабига кўра бир йилгача ўз кучида бўлади. Шундан сўнг, яъни 15.08.1990 йилдан бошлаб у интизомий жазо олмаган ҳисобланади. Суд бундай қонун талаблари борлигини ё ўқимаган, ё инобатга олмаган. Натижада битта ҳаракат учун И.Турдалиев 2 марта жазоланди. "Меҳнат интизомини бузган ҳар бир ҳол учун фақат битта интизомий жазо қўлланилиши мумкин", деган қонуний талаб судлар томонидан ҳам бузилди.

Судда иккинчи важ қилиб кўрсатилган 16.03.1990 йилдаги "замечание" И.Турдалиевга "ишда галстуксиз ўтирганлиги учун" берилган танбеҳнинг тўғри-нотўғри эканлигини изоҳлаб ўтириш ортиқча. Фақат ўша пайтдаги биз юқорида тилга олган қонун талабига кўра, бу танбеҳ ҳам бир йилдан сўнг ўз кучини йўқотишини ва шундан сўнг И.Турдалиев фаолияти давомида интизомий жазо олмаган ҳисобланишини, суд жавобгар томоннинг йўқ нарсадан туя ясаш каби важларини текширмай, қонун тарозисига қўймай ўзи ҳам унга эргашиб кетишини айтиб ўтиш жоиз.

Энди 23.12.1991 йилдаги И.Турдалиевни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруққа келсак. Аввало, буйруқнинг ўзи тушунарсиздир. Ўша пайт амалда қўлланган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунлари Кодекси 41-моддасига кўра, ходим ишдан бўшатилганда меҳнат интизомининг қайси турини қачон бузганлиги кўрсатилиши шарт. Бу талаб буйруқда акс этмаган.

Гулистон шаҳар судининг ҳал қилув қароридан шуни билиб олиш мумкинки, И.Турдалиев ишдан "прогул" қилганлиги учун бўшатилган кўринади. Ўшанда қонуний кучда бўлган Меҳнат қонунлари Кодексининг 161-моддаси талабига кўра уни бу нарса учун ишдан бўшатиш мутлақо мумкин эмас.

Унда И.Турдалиевни ўзбек тилида гапиргани ва бошлиқ билан гап талашиб қолганлиги бўшатилишига асосий сабаб бўлган, деган хулосага келиш мумкин. Меҳнат қонунларида эса бундай жазо тури ўша вақтда ҳам белгиланмаган эди.

Биз фуқаролик жамиятини қураяпмиз. Фуқаронинг манфаати бугунги кунда кечаги шўро кунларидан фарқли ўлароқ, ҳар нарсадан устун деб қаралмоқда. Фуқаро И.Турдалиевнинг ўзига нисбатан 10 йил илгари адолатсизлик қилинган ҳисоблаб, бугун ҳуқуқини тиклаш умидида юрганлигини, балки шу маънода тушунса бўлар. Адолатнинг тикланиши учун эса вақтнинг аҳамияти йўқ. Муҳими, адолатнинг қарор топиши.

Акбар ЖОНУЗОҚОВ,
журналист

МУЛОҚОТ

Савол беринг!

Уни хат ҳамда 133-70-65, 132-14-18 рақамли телефонлар орқали кутамиз.

Мен Навоий шаҳар автомобил мактабида (собиқ ДОСААФ) ўқитувчи бўлиб ишлар эдим. 1980 йилда ишдан уйга қайтаётганимда автоҳалокатга учраб, оғир тан жароҳати олдим. Ҳозирда ногиронлик нафақаси олиб турган бўлишимга қарамай, иш жойимдан ҳам бирор ёрдам пули берармикан, деб умид қиламан.

Ҳурматли таҳририят! Менинг ҳолатимга тушганларга иш жойидан қонун бўйича ҳеч қандай пул ажратилмайдими?

Алиқул НАЗАРОВ,
Навоий тумани, Жалоир
ширкат хўжалиги

Бу саволга ТДЮИ ўқитувчиси Ғ.Эрматов шундай жавоб беради:

— Сизнинг саволингизга жавобан шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 189-моддасида иш берувчининг (раҳбар) ходим соғлиги етказилган зарарни тўлаш мажбуриятлари кўрсатилган. Жумладан, мазкур модданинг 2-қисмида: "Ходимнинг иш берувчининг ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам меҳнатда майиб бўлиши, шунингдек, иш берувчи томонидан ажратилган транспортда иш жойига келаётган ёки ишдан қайтаётган вақтда шикастланиши натижасида етказилган зарар учун иш берувчи моддий жавобгар бўлади", дейилади.

Меҳнат кодексининг 190-моддасида эса ходимнинг соғлигига шикаст етганлиги муносабати билан иш берувчи томонидан тўланиши лозим бўлган зарар миқдори кўрсатилган. Яъни унда: "тўланиши лозим бўлган зарар жабрланувчининг меҳнатда майиб бўлишига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида, унинг касбига оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловдан, соғлигига шикаст етиши билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг компенсациясидан, шунингдек, белгиланган ҳолларда эса бир йўла бериладиган нафақа тўлаш"дан иборат.

Касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси ва жабрланувчининг қўшимча ёрдам турларига муҳтожлиги тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан аниқланади.

Меҳнат Кодексининг 194-моддасига кўра, сиз иш жойингиздан йиллик шу ҳақингиздан кам бўлмаган миқдорда бир йўла бериладиган нафақа олиш ҳуқуқига эгасиз.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, агар сизга шикаст етган вақтда юқоридаги тўловларни олган бўлсангиз, унда иш берувчи бу масалада бошқа ҳеч қандай мажбуриятни олмайди. У қонунда белгиланган барча мажбуриятларини бажарган. Акс ҳолда сиз ушбу масала юзасидан тегишли фуқаролик судларига даъво аризаси билан мурожаат қилишингиз мумкин.

Гиёҳвандлик —ажал элчиси

ҲАМКОРЛИК ЗАРУРАТИ

Аср вабоси бўлмиш гиёҳвандлик офати билан боғлиқ жиноятлар таҳлили шуни кўрсатадики, енгил-елпи ҳаёт кечириш йўлига киришда аввало оиладаги тарбиявий муҳит катта аҳамият касб этади. Ота-онанинг нотўғри тарбияси, аҳлоқсиз хатти-ҳаракати, ҳаром-хариш турмуш кечириши ёш болага салбий таъсир кўрсатади. Мактаб ёхуд кўчадаги носоғлом муҳит ҳам шундай оқибатларга олиб келади. Суд амалиёти жиноятчининг фикрлаш даражасининг пастлиги бир-бирига ўзаро боғлиқ эканини исботламоқда. Дарҳақиқат, дунёқарашнинг чекланганлиги, маънавиятнинг қашшоқлиги инсонда ўзининг тубан туйғуларини қаноатлантириш истагини уйғотади. Натижада у ҳеч қандай қабиҳликдан қайтмай, жиноятга қўл уради. Хусусан, гиёҳвандликнинг олдини олишда соғлом турмуш тарзи ва маънавиятнинг ўрни беқиёс. Ҳозирги пайтда гиёҳвандликка қарши курашда фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари эмас, балки бутун жамоатчилик фаол иштирок этиши зарур. Зеро, ана шундагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Шунга эътибор бериш керакки, гиёҳвандлик ва унинг пайдо бўлиш сабаблари, жуда мураккаб. Бу масалага бирёклама баҳо бериш мумкин эмас. Шу сабабли унга қарши курашда бир неча усул ва чора-тадбирлар қўллаш зарур бўлмоқда. Шифокорлар, ҳуқуқшунослар, социологларнинг олиб борган тадқиқотлари шуни кўрсатадики, гиёҳвандликнинг тарқалишига биринчи ва асосий сабаб унинг хавфлилигини тушунмай истеъмол қилиш экан. Истеъмол қилувчилар ўз организмининг унга ўрганиб қолишини, бу ҳол унинг ўзи ва бошқалар учун қандай хавф туғдиришини ҳам яхши англаб етмагани боис бу ишга қўл уради. Бу аҳолининг муайян қисми ҳуқуқ ва тиббиёт илмидан бехабарлигидан дарак беради. Маълумки, гиёҳвандлик бирданига бошланмайди, банги ўзи сезмаган ҳолда унинг қулига айланиб қолади. Кўп ҳолларда гиёҳванд жиноят содир этади, лекин гиёҳванликнинг ўзи ҳам жиноят эканини билмайди. Чунки кўплаб жиноий ишлар кўрилганда айбдорлар гиёҳванд ўсимлик экиш, ўстириш, сақлаш, тайёрлаш, сотиб олиш ёки сотиш қонун томонидан таъқиқланганлигини билмасликлари маълум бўлди. Уларнинг ўз айбларини бўйниларига олиб, энди бу йўлга тушмаслик учун ҳаракат қилишларини айтиб тавба қилишлари бунга далилдир.

Яна шуни ҳам қайд этиш керакки, қонунларни яхши билмаслик айбланувчини жавобгарликдан қутқара олмайди. Давлатимиз қонунчилигида қонунларни билиш презумпцияси (фактнинг акси тасдиқланмагунча шу фактни юридик тўғри деб топилса) амал қилади. Гиёҳванд воситаларни тайёрлаш каби ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликка тортилишни билмасликни рўкач қилиш судлар учун асосий баҳона эмас. Яъни суд жараёнида айбдор гиёҳванд воситани тайёрлаб сотиб олувчи ёки сотувчи қонунни билмаганлигини пеш қилиб ҳеч кимни ишонтира олмайди. Шу ўринда Жиноят Кодексимизнинг 273, 276 моддаларга киритилган изоҳни келтириб ўтиш лозим. Унда, жумладан, шундай дейилган: **"Ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни топширса, жазодан озод қилинади"**.

Мазкур изоҳ гиёҳвандликка қарши кураш ва унинг олдини олиш мақсадида белгиланган тадбирлардан бири сифатида амалиётга жорий этилган.

Гиёҳвандликнинг сабабларидан яна бири наркотик моддани бир татиб кўришга қизиқиш юқорилигидир. Бундай ҳолат айниқса, ёшлар ўртасида тез-тез учраб туради. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, кейинги йилларда гиёҳвандлик билан бир қаторда ўсмир-ёшлар ўртасида токсикомания иллати ҳам тоборо урчиб бормоқда. Бунда кўпинча катта ёшдагилар ўсмирларни кайф пайдо қилувчи моддалардан татиб кўришга ундайди. Бу ҳол алал-оқибат уларни бангиликка дучор этади. Шу боис ўсмир-ёшларни ана шундай йўлга бошлаган ёки унга руҳий ва жисмоний таъсир этадиган гиёҳванд воситалар ёки психотроп моддалар ҳамда ҳар хил кимёвий препаратларни етказиб бераётган шахсларга қарши кураш олиб бориш шарт. Чунки бангиликка ўрганган ўсмир атрофдагилар, яъни синфдошлар ўртоқларини ҳам шунга жалб этиши муқаррар. Бунда ота-оналар ва мактаб жамоасининг бундай ёшларга доимо кўз-қулоқ бўлиб туриши, бирронта ўқувчида бундай ҳолат сезилса, дарров унинг олдини олишга ҳаракат қилиши катта аҳамият касб этади. Бизнингча, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ходимлари билан биргаликда мактаб, лицей, коллежларда профилактика ишларини олиб бориш, ўсмирлар онгига заҳарли препаратлар, гиёҳванд воситалар (наша, опий ва ҳар хил психотроп моддалар) қандай таъсир этиши ва уларнинг зарарли оқибатларини тушунтириб бориш орқалигина мазкур ижтимоий офатга қарши самарали курашиш мумкин.

Фарҳод ТОҲИРОВ,
ТДЮИ доценти

Тарих ойнаси

МИЛЛИЙ КОНСУЛЛИК ХИЗМАТИ

УНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Давлатлар пайдо бўлиши баробарида консуллик алоқаларининг ҳам дастлабки белгилари шакллана бошлаган. Халқимизнинг қадимий давлатчилик тарихи саҳифаларида элчилик муносабатлари ҳам ўзига хос ўринга эга. Ватанимиз тарихига оид энг қадимий манбалардан бири бўлган **"Авесто"** китобида консуллик хизматининг дастлабки шакллари ҳақида маълумотлар мавжуд. Унда ёзилишича, қабилалар ўртасида шартномалар тузиш, ҳарбий низолар ва келишмовчиликларни тартибга солиш Митра худоси орқали амалга оширилган. Олимларнинг таъкидлашича, Марказий Осиё ҳудудидаги фанда маълум бўлган биринчи халқаро шартнома — бу эрамизгача VII асрнинг охири ва VI асрнинг бошларида сак ва мидянлар ўртасида имзоланган тинчлик шартномаси бўлган.

Шунингдек, эрамизгача бўлган VI асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёнинг ғарбий қисмини эгаллаб олган Аҳамонийлар империяси ҳукмрони Кир ва массагетлар подшоси Тўмарис ўртасида ҳам оғзаки тарзда дипломатик алоқалар олиб борилган. Бу ҳол ўша вақтда дипломатик ва консуллик ҳуқуқининг айрим белгилари пайдо бўлганлигидан далолатдир.

Марказий Осиё ҳудудида Александр Македонский ҳукмронлик қилган пайтда , яъни эрамиздан аввалги 330 ва 327 йилларда унинг салтанати билан маҳаллий скиф қабилалари ўртасида дипломатик алоқалар олиб борилган. Мавжуд тарихий манбалар шуни тасдиқлайдики, у пайтларда Македонский дипломатия хизматидан асосан босқинчилик мақсадида фойдаланган.

Энг қадимги даврларданоқ Шарқ ва Ғарб ўртасидаги ўзаро тижорий муносабатларнинг ўрнатилиши, жумладан, Буюк Ипак йўлининг фаолият кўрсатиши бевосита мазкур минтақа давлатларининг бошқа давлатлар билан дипломатик ва консуллик алоқалари ўрнатиши учун асос бўлган.

Тарихда Марказий Осиё давлатлари ҳукмдорлари хорижий давлатлар элчиларини қабул қилгани ва у томонларга ўз элчиларини юборгани ҳақидаги маълумотлар жуда кўп. Масалан, XV асрда минтақа давлатлари юздан кам бўлмаган миқдорда элчиларни қабул қилган ва элчи юборган. XIX асрда эса Марказий Осиё давлатлари Қўқон хонлиги билан биргаликда хориждан 160 элчини қабул қилган ва хорижий мамлакатларга 200 маротаба элчи юборган.

Марказий Осиё ҳудудида дипломатик ва консуллик алоқалари асосан Соҳибқирон Амир Темур ҳукмронлиги даврида жуда тараққий этган. Темурийлар сулоласининг дипломатик муносабатлари Англия, Франция, Испания, Римдан тортиб, то Хитой императорларигача ёйилган. Амир Темурнинг бу борада тарихий хизмати шундан иборат бўлганки, унинг ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона географик сиёсий маконда эканликларини ҳис этган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг дипломатик муносабатларни моҳирлик билан тадбиқ этгани натижасида Ғарб ва Шарқ давлатлари билан ўзаро савдо, иқтисодий ва бошқа соҳаларда манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу ҳол унинг дипломатик ёзишмаларида ҳам яққол ўз аксини топган.

XIV асрнинг 80-90 йилларида Соҳибқирон давлатининг шон-шуҳрати Европа мамлакатларигача бориб етди. Бу вақтда Англия, Франция, Испания, Генуя ва Византия сингари давлатларнинг ҳукмдорлари Амир Темур билан сиёсий ва иқтисодий (савдо) муносабатлар ўрнатишга интилиб, улуғ жаҳонгир ҳузурига мунтазам равишда элчиларини юбориб турган. Масалан, Кастилия қироли Генрих IIIнинг элчиси дон Пелагия де Сатоматир ва дон Фердинанд де Паласуелос 1402 йили Амир Темур Қорабоғда турганда, унинг ҳузурига келишган ва ўша йилнинг 20 июлида Амир Темур билан Боязид I Йилдирим қўшинлари ўртасида бўлган қирғинбарот жангда иштирок этишган.

Соҳибқирон моҳирона ташқи сиёсат юргизгани боис ҳам Хуросон давлати жангу жадалларсиз қўшиб олинган. У салтанатининг атрофидаги давлатлар билан доимо яхши қўшничилик сиёсати олиб борган. Жанубий Эрондаги Форс вилояти ҳукмрони, музаффарийлар сулоласи Шоҳ Шужоъ билан Амир Темур давлатлари ўртасида ўрнатилган муносабатлар ҳамда ўзаро элчилар алмашинуви бунга мисол бўла олади. Ҳатто Амир Темур Шоҳ Шужоънинг қизини невараси Пирмуҳаммад ибн Жаҳонгирга никоҳлатиб берган.

Амир Темур ва унинг шажараси ҳукмронлиги даврида ҳам дипломатик муносабатлар, ўзаро манфаатли иқтисодий ва маданий алоқалардан иборат бўлган. Масалан, Оққуюнли туркманлар ҳукмдори Султон Ёқуббек ва Ҳусайн Бойқаро бир-бирларига бир неча маротаба элчилар жўнатишган. Икки давлатнинг ўзаро иқтисодий, маданий алоқаларининг мустаҳкамланишида темурийларнинг улуғ вазири амир Алишер Навоийнинг ҳам хизматлари беқиёс бўлган. Ул зот элчилар орқали бир неча марта Султон Ёқуббекка Ҳирот хаттолари кўчирган нафис ва нодир китобларни совға қилиб юборган. Ёқуббек ҳам ўз навбатида улуғ шоирга озарбойжон адибларининг янги асарларини жўнатган. Бу тадбирлар ҳар икки давлатнинг маданий ҳаётида муҳим воқеалар сифатида замондош тарихчилар асарларида қайд этилган.

Бизнинг истагимиз сизнинг саломатлигингиз устивор бўлсин, сизнинг ва бизнинг одамларимиз бу икки эътиборли мамлакат ўртасида ўзаро бориш-келиш қилсинлар, токи сизнинг ва бизнинг улуғворлигимиз ҳамма ерда мақтовга лойиқ бўлсин. Тижорат ишларининг фойдали бўлувига ҳам эришайлик.

Соҳибқирон Амир Темурнинг 1402 йилда Франция қироли Карл VI га йўллаган мактубидан

Соҳибқирон Амир Темурнинг ўз давлати манфаати нуқтаи-назаридан олиб борган ташқи сиёсати муҳим аҳамият касб этган. У Буюк Ипак йўлининг бехатар бўлиши учун, Мовароуннаҳрга сармоя ва мол-дунёнинг оқиб келиши учун имкон яратди. Натижада бу минтақа иқтисодий ва маданий тараққиётга йўл очди. Хазина бойий бошлади. Савдо ва элчилик муносабатларини кенгайтириш мақсадида Амир Темур карвон йўлларини ободонлаштириш, сардоба, работ ва карвонсаройлар қуришга аҳамият берди. У савдогар ёки элчининг тезроқ ва тўхтовсиз манзилга етиши учун карвон йўлларида ёмчилик хизматини жорий қилди. Уларни ҳарбий интизомга бўйсундирди. Чунончи, масофаси 30 чақиримча келадиган ҳар бир маҳалла (бекат)да бир неча ём отлар билан ёмчи тургани ҳақида испаниялик элчи Клавихо ўз хотираларидан шундай ёзади: **Агар бирор сабаб билан ём отлари бўлмай қолса, у ҳолда элчи хоҳлаган йўловчи, ҳатто давлат арбобининг ҳам отини эгаллаш ҳуқуқи бор эди. Бу буйруққа эътироз қилганлар жазоланар эди. Ҳатто, бир дафъа Соҳибқироннинг катта ўғли Жаҳонгирнинг отини элчилар олиб қўйган. Савдогар ёки элчи ўзлари билан мол-мулк эмас, янги хабарлар келтирганлар. Қўшни давлат иқтисоди, турмуш тарзи, урф-одати ва дини ҳақидаги ҳикоятлар котиблар томонидан ёзиб олинган.**

Телефон-телеграф, коммуникация воситалари бўлмаган бир шароитда Соҳибқирон Шарқ билан Ғарбни тинчлик, тижорат, элчилик йўли воситасида бирлаштиришга ҳаракат қилган.

Амир Темур салтанатининг инқирозидан кейин пайдо бўлган давлатлар ҳам ўзига хос тарзда бошқа давлатлар билан дипломатик ва консуллик алоқалари олиб борган. Шайбонийхон даврида Бухоро хонлигининг Ҳиндистон, Туркия, Россия билан савдо ва элчилик муносабатлари яхши ривожланган. Тарихий манбалардан маълум бўлишича, 1572-78 йиллари Ҳиндистонда Бухоро хонининг кўплаб элчилари бўлган, Бухорода эса Ҳиндистон подшосининг элчилари яшаган. 1583-1595 йиллари Бухоро элчилари ва савдо карвонлари Московда ҳам бўлишган.

Шарқона дипломатия хизматидан чор Россияси ҳам унумли фойдаланган. XVII асрнинг 50-йилларида Россия подшоси Алексей Романов Хитой билан дипломатик алоқаларни тиклаш учун ўз элчиси Байковни Хитой императорига юборади. Аммо Чин мамлакати ҳукмдори Россия каби олис давлат билан алоқа ўрнатишдан бош тортади. Шунда рус подшоси ўзининг мухтор вакили тариқасида Россияда савдо-сотиқ билан машғул бўлиб, "Малики тужжор" (савдогарларнинг бошқони) унвонига эга бўлган, юксак маданиятли бухоролик Саидқул савдогарни юборади. 1656 йилда Хитойга етиб келган Саидқул иззат-икром билан кутиб олинади ва у Россия-Хитой шартномасини имзолашга эришади. Бундан ташқари Саидқул Хитой ҳукуматидан Россия ҳукмдорига 33 газ духоба, 209 газ ипак газлама, кумуш пиёлалар каби совға-саломлар билан қайтган. Саидқул 1662 ва 1664 йилларда ҳам Россия элчиси тариқасида Хитойга муҳим миссиялар билан борган ва рус зиёлилари эплай олмаган ташқи сиёсат билан боғлиқ муаммоларни муваффақиятли адо этган.

Ана шундай узоқ ўтмишга эга бўлган миллий консуллик хизмати шўро даврида таъқиқу тазйиққа учради. Миллий мустақиллик барча соҳаларда бўлгани каби дипломатия соҳасида ҳам янги саҳифалар очди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон жаҳоннинг кўплаб давлатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатган. Мазкур соҳа мамлакат тақдирда улкан аҳамият касб этмоқда. Бу эса унинг тарихини чуқур ўрганиш, бой ижобий тажрибаларини амалиётга тадбиқ этиш мамлакатимиз ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш вазифасини кўндаланг қўяди. Уйлаймизки, мазкур йўналишдаги илмий тадқиқот ишларининг натижалари миллий консуллик хизмати тараққиётига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади.

Шуҳрат РАСУЛОВ,
тадқиқотчи

ОДАМЛАР НЕГА ШИКОЯТ ЁЗАДИ?

ТЎРТИНЧИ МАҚОЛА

Ушбу мақолани ёзиш арафасида таҳририятимизга келган бир қанча шикоят мактубларини ўқиб чиқдим. Шикоят нима учун ёзилиши албатта, барчамизга аён. Инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини танимаслиги, содир бўлган ноҳақликка барҳам берувчи идораларнинг ўз вазифасини вақтида адо этмаслиги, айрим раҳбарларнинг тўрачилик, расмиятчилик кайфиятларидан қутула олмаётгани "ёз-ёз"га сабаб бўлади.

Навоий вилоятидаги ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш билим юртининг бош ҳисобчиси Сожида Самадова ўз шикоят мактубида шундай ёзади:

"...Мен 1998 йилдан буён билим юртида бош ҳисобчи вазифасида ишлаб келмоқдаман. Ўқув муассасамиз директори Х.Файзиева баъзи фирмалар билан келишган ҳолда билим юрти биносини Навоий давлат экспертиза бошқармасидан ўтказмаган ҳолда, катта миқдордаги бажарилмаган ишларни бажарилди, дея 2, 3 номерли шартнома варақаларига қўл остида ишлаётганларга тазйиқ ўтказиб, имзо чекишга мажбур этди. Бу ноҳақликка чидаёлмай, ёзмаган идорам қолмади...".

Сожида Самадова Навоий вилоятидаги бир қатор мутасадди идораларга шикоят хат йўллагани, аммо негадир ҳамон унинг ҳақ сўзларини ўқиб, англайдиган одам топилмаётганидан ёзғиради. У директорнинг ўз яқинларини ноқонуний ишга жойлаб қўйгани ва бошқа бошбошдоқликлар хусусида маълумотларни келтиради. Шу билан бирга шикоят хатига ўнлаб ҳужжатларни илова қилган. Жумладан, Навоий шаҳар прокуратурасининг С.Самадовага йўллаган жавоб хатидаги *"...Мазкур ҳолат бўйича жиноят аломатлари бўлмаганлиги сабабли 15.10.2001 йилда ЎзР ЖПКнинг 83-моддаси 1-банди билан жиноят иши қўзғатишликдан рад қилинди..."* деган қарорини Навоий вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Б.Эргашев имзоси билан йўлланган жавоб мактуби ҳам тасдиқлаб беради. Аммо... Ҳамма гап ана шу аммода эканлигига эътибор беринг.

Шаҳар ва вилоят прокуратурасининг текширувларидан норози бўлган билим юрти бош ҳисобчиси С.Самадова шикоят мактубларини турли идораларга ҳам жўнатган эди. Натижада текширувлар давом этиб, 2001 йилнинг 27 сентябрида Молия вазирлигининг Навоий вилояти назорат-тафтиш бошқармаси назорат тафтишчиси А.Аллонов, билим юрти директори Х.Файзиева, бош ҳисобчиси С.Самадовалар имзолаган далолатнома ҳам пайдо бўлди. Ушбу далолатномада кўрсатилишича, директорнинг ўғли ва синглиси ҳақиқатда билим юртида ишламасалар-да, бири компьютерчи, бири котиба бўлиб ишлайди, дея уларга ноқонуний иш ҳақи тўлаб келинган.

Хатирчи туманидан юборилган 20 нафар ҳамширалар бепул ўқитилиши керак бўлса-да, директор уларнинг ҳар биридан 1850 сўмдан пул ундириб олишга муваффақ бўлган ва кейинчалик маблағни банкка топширган. Иш ҳақлари тўғрисидаги "ведомост"-даги имзоларнинг аксариятини врачларнинг ўзлари қўймагани, имзолар қалбакилаштирилгани, 4 кишига берилган 20575 сўмлик мукофот пулини эгалари олмагани аниқланган.

Далолатнома билан танишишда давом этар эканмиз, С.Самадованинг даъвоси бежиз эмаслигига ишонч пайдо бўлади. Жумладан, директор томонидан унга ўтказилаётган тазйиқ текширувининг хулосаси қуйидагича ифодаланган:

"...Билим юртининг бош ҳисобчиси С.Самадова 2001 йилнинг 30-31 июл кунлари ишда бўлган бўлса-да, унга прогул ёзиб, ҳайфсан эълон қилинганлиги юзасидан текширилганда, директор Х.Файзиева томонидан тасдиқланиб, имзоланган ходимларнинг ишга қатнашганлиги тўғрисидаги табел варақасида 30-31 июл кунларидаги С.Самадовага тааллуқли ёзувлар ўчирилиб, устидан "йўқ" қилиб ўзгартирилган...".

Эътиборингизни яна бир далолатномага қаратмоқчимиз: бу ҳужжат Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассасаларини эксплуатация қилиш бошқармаси бошлиғи муовини Б.Эргашев, вазирликнинг метод кабинети методисти М.Собирова ҳамда Жиззах вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош ҳисобчиси Н.Аширматовлар текшириви натижаси бўлиб, унда ҳам юқоридаги далолатномада келтирилган ва бошқа далиллар деярли тасдиқланади. Масалан: *"...Хазинабон Ш.Қодированинг кўрсатмасига кўра 2000 йилнинг октябр ойи учун 41535 сўмлик, ўша йилнинг май ойи учун 91415 сўмлик, сентябр ойи учун 106621 сўмлик ведомостларга ҳисобот топшириш вақтида ишонч қоғозлари бор эди, деган тушунтириш хати берилган. Аммо тўлов ведомостларида ишонч қоғозлари йўқ, деб имзо чекилган. Шунингдек, врач Т.Баҳроновга январ ойида 3461 сўм иш ҳақи ва йилнинг биринчи чораги учун ёзилган 4115 сўм мукофот пулига ведомост ёзилган бўлиб, Т.Баҳроновдан шу хусусда сўралганда, у билим юртида ишламаганлиги ва юқорида қайд этилган иш ҳақи ва мукофот пулини олмаганлигини билдирилади..."*.

Далолатномалардан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Мақсадимиз, ўртада ҳакамлик қилиш эмас. Бизни ҳайратга солган ҳолат Х.Файзиеванинг ноқонуний хатти-ҳаракатларини прокуратура ходимларининг заррача сезмаганлигидадир. Балки шунинг учундир С.Самадова шунча текширув натижаларидан сўнг ҳам иш тарзида ҳеч қандай ўзгариш бўлмаганидан норози бўлиб, республика матбуотига шикоят мактуби йўллаган.

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон тумани, Н.Боймуродов жамоа хўжалигидан Абдураҳмон Кўчаров қуйидаги мазмунда хат йўллабди:

"...Мен ва ўғлим ОТХЖ "Дўстлик" заводида меҳнат қилар эдик. Корхонамиздаги бошбошдоқликлар, ноқонуний хатти-ҳаракатлар тўғрисида ишчи-хизматчилар Республика Бош прокурорига ёзилган шикоят хатига қўшилганим учун мени ва ўғлимни ишдан бўшатишди. Иккаламиз ҳам ишсиз қолганмиз..."

Шикоят мактубида "Дўстлик" заводида содир этилаётган ўзбошимчаликлар баён этилган ва хат муаллифи ўзи ҳамда ўғлининг иш билан таъминланишида кўмак сўраган.

Термиз шаҳар, Сергей Лазо кўчаси, 29-уйда истиқомат қилувчи Кимё Боймуродова марҳум отасидан қолган уйни акаси, отаси касаллик туфайли ўзини билмай ётганидан фойдаланиб, мерос қилиб олиб қўйгани, ваҳоланки, акасининг бундан ташқари 4 хонали уйи борлиги, шунга қарамай, у отасидан қолган уйга меросхўр бўлиб, ўз жигарларини ҳайдаётгани, бу ноҳақликдан арз қилиб борган идоралари уларга ёрдам бермаётгани хусусида ёзади.

Биз юқорида тилга олинган шикоят хатларига Сурхондарё вилояти ҳуқуқ-тартибот идораларида ўз хизмат вазифаларини бажариб турган масъул ходимлар аниқлик киритадилар ва муносабатларини баён этадилар, деб умид билдирамиз.

Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани, Халқобод ширкат хўжалиги, Қудуқча қишлоғида яшовчи Ёқуб Туримов ўзининг ноҳақ ишдан бўшатилгани ва бу тўғрида судга мурожаат қилганида, суд уни ишга тиклаш ва етказилган моддий ҳамда маънавий зарарни ундириб бериш тўғрисида қарор чиқаргани, аммо суд қарорининг ижроси таъмин этилмаётгани хусусида ёзиб, адолат талаб қилади.

Самарқанд вилоятининг ҳуқуқ-тартибот идораларида хизмат қилаётган мутасаддилар ушбу шикоят юзасидан адолатни қарор топтириб, муаллифни қаноатлантира олишармикин?

Чироқчи тумани, Меҳнатобод жамоа хўжалигида яшовчи бир гуруҳ фуқаролардан келган шикоят мактубда хўжалик раисининг "ўзи хон, қўланкаси майдон"лиги, унинг қилмишлари фош этиб ёзилган шикоят хатларига туман ҳокимияти, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари беэътибор қараётганлиги, шу туфайли улар пойтахтга ёзиб, нажот истаётганликлари баён этилади. Ўйлаймизки, Файзулла Хуррамов, Мавлон Шованов, Ибодулла Хуррамов, Зулхумор Суюновалар имзо чеккан ушбу арзномага вилоятдаги мутасадди идоралар эътибор билан қараб, масалага тўла ойдинлик киритишади.

Фарғона вилояти, Данғара туманидаги "Роҳатой" хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Ж.Солиева ўз шикоят хатида шундай ёзади: *"...Фирмамиз 1996 йилда ташкил этилиб, умумий майдони 1,6 га.дир. Биз ерни сотиб олиб, автотранспорт воситалари билан савдо қилувчи автобозор тарзида фаолият кўрсатамиз. Қўқон шаҳар ва Данғара тумани аҳолисига кўрсатилган малакали хизматдан барча миннатдор эди. Аммо 2001 йилнинг феврал-март ойларида Қўқон-Тошкент йўналишида янги айланма йўл тушиши муносабати билан автобозор фаолияти тўхтаб қолди. Қўқон шаҳар ДАН ходимларининг талаби шундай эди. Йўл таъмири тугагач, Данғара туман ва Қўқон шаҳар ҳокимиятлари мендан ҳеч қандай асоссиз тарзда фирма фаолиятини тугатишни талаб этмоқда. Улар "Роҳатой" фирмаси ер майдонини сотиб олиб, унга нисбатан мулк ҳуқуқига эгалигини, давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Фарғона вилоят бошқармаси томонидан берилган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордери борлигини тушунишни мутлақо исташмаяпти..."*

Вилоят ҳокимиятидан ҳам тайинли жавоб ололмаган фирма раҳбари таҳририятимизга шикоят ёзибди. Нахотки, тадбиркорнинг ҳақ йўлини истаб қилаётган мурожаатлари шу тарзда жавобсиз қолаверса, дея ўйга толамиз. Балки вилоят ҳокимияти бу масалага яна бир карра қайтиб, юзага келган тортишувнинг қонун йўли билан ҳал этилишини таъминлар деган умид пайдо бўлади...

Тошкент вилояти, Чиноз тумани, "Афғон" маҳалласидан оилавий низолар ва уй талашишларни баён этиб хат ёзган Пардагул Дўстматовага унинг муаммоларини фақатгина маҳаллий суд ҳал қилиб бера олишини айтмоқчимиз.

Ҳа, совуққонлик ва мансабпарастлик иллати илдиз отган жойда шикоятлар кўпайиши муқаррар. Фуқароларнинг мурожаатларига тўғраларча муносабатда бўлаётган айрим маҳаллий раҳбарларга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасини яна бир карра эслатиб ўтишни ўринли деб биламиз:

— Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклиф ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

Салима ҚИЛИЧЕВА,
"Инсон ва қонун"нинг махсус мухбири

"ЯХШИ ЭРИ ЛАБ САНГИЗ..."

"Қаламимизни қадрлайлик"ни ўқиб

Куни кеча "Инсон ва қонун" газетасида "Қаламимизни қадрлайлик" сарлавҳали мақоласини ўқиб қаттиқ таъсирландим. Журналист Ислом Ҳамро долзарб мавзуни ўртага ташлаган. Албатта, бугунги кунда кўпчиликнинг кўнглига манзур бўладиган газета чоп этиш осон иш эмас. Бу ҳар бир журналистдан алоҳида масъулият, фидойилик ва истеъдод талаб қилади. Шу маънода журналист меҳнати сермашаққат ишдир. Бу соҳа машаққатини ҳар ким бўйнига олиб кетавермайди. Бугунги кунда матбуотимиз том маънода миллий қиёфа касб этаётган, журналист меҳнати қадр топаётган бир пайтда фириб йўлига ўтиб олган кимсалар ҳам учраб туриши кишини ташвишга солади. Газета, қоласа, журналистни нажот қалъаси деб, не-не умидлар билан узоқ вилоятлардан ҳақиқат қидириб келган кишига таъма назари билан қараб, ундан ниманидир ундириш иштиёқида найранглар ишлатиб, ёлғон сўзлаётган "журналист"ларни кўриб, уялиб кетасан киши.

Яқинда мўйсафид чолнинг бир таҳририятдан хафа бўлиб чиқиб кетаётганининг гувоҳи бўлдим. Оқсоқол Самарқанднинг узоқ туманларининг биридан келган экан. Қирқ йил мактабда ёшларга сабоқ бериб нафақага чиқибди. Ижтимоий таъминот бўлимидагилар эса нимагадир у кишининг нафақаси миқдорини камроқ белгилабди. Вилоятда дардига малҳам топа олмаган домла Тошкентга келган экан.

Энг ачинарлиси, ўша оқсоқолга журналистлардан бири "Агар чой бериб, бир эрисангиз, ишингизни тўғрилаб берамиз", дебди. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, билими, кўз нури, меҳр-дийдасини ўқувчиларга бахшида қилган бу муаллим чўнтагига харом чангалини солиш ниятида виждонсизларча, инсофсизларча "таклиф" айтган кишини ким деб атаймиз? Ахир, бундан-да пасткашлик, бундан-да нокаслик бўладими?!

Кейинги пайтларда суҳбатдошини ширин сўзлар билан ишонтира олишга "қобилияти" зўр, қўлидан келса-келмаса, ҳар хил ишларни ваъда қилиб, ёлғон гапирадиганлар пайдо бўлиб қолганини айтмайсизми? Ҳуқуқ мавзусида узоқ йиллардан бери ижод қилиб келаётган бир журналист сифатида шу хулосага келдимки, фирибгарлик ёлғончиликдан бошланади. Кимки, ҳамсуҳбатини қойилмақом қилиб алдай олса, демак, у фириб кўчасига қадам қўйди. Тўғри, адолатсизлик, ноҳақлик, қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик, порахўрлик бор жойда газетага, журналистга албатта эҳтиёж сезилади. Мурожаат кўпаяди. Чунки ҳалол, пок, содда меҳнаткашлар журналистларга жуда-жуда ишонадилар. Улардан кўп нарсани кутадилар.

Журналистлар инсофли, диёнатли, ҳақпарвар бўлади, дейдилар. Ақл-идрокли, давлат сиёсатидан бохабар, ўз халқининг, она юртининг тарихини биладиган, виждони уйғоқ, ҳақиқатнинг кўзига тик қарай оладиган лабзи ҳалол журналистлар жуда кўп.

Ижодга, шеъриятга эндигина қадам ташлаётган шоирликни даъвосида юрган, чўнтагида беш-тўрт сўм пули бор айрим кишилар газеталарга тез-тез мурожаат қилишадиган бўлишди. Яқинда катта бир йиғинда узоқ йиллар катта газетага раҳбарлик қилган бир акамиз шундай бир воқеани гапириб берди. Бир куни "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири ҳузурига бир киши келиб, "Иложи бўлса, шу шеърларимни чиқариб берсангиз, яхшилаб бир эрийман, чойхонада ош қилиб бераман", деб илтимос қилган экан. Ўшанда бош муҳаррир уни яхшилаб изза қилиб, ижодкорлар номини ҳаром-хариждан ҳимоя этган. Қарангки, орадан бир ҳафта ўтгач, ўша шоир бир журналист билан яримтани майдалашиб қуюқ дастурхон атрофида ўтирган экан. У ўзини изза қилган бош муҳаррирни кўрибди-ю, шеъри босилиб чиққан газетани виқор билан узатибди. Ана сизга аччиқ ҳақиқат...

Бу ҳақда ўйлаганда, шундай табиий савол туғилади: хўш, матбуотда бундай иллат қаердан пайдо бўлаяпти? Унинг илдизлари қаерда? Сабаби нима билан изоҳланади?

Энг аввало, шуни айтиш керакки, ана шундай таъма илинжида юрган кимсаларни сўраб-суриштирсангиз, уларнинг аксарияти журналистикага мутлақо даҳли йўқ бўлиб чиқади.

Шу ўринда иккинчи бир савол пайдо бўлади: модомики, уларнинг журналистикага, аниқроқ айтганда, газетага алоқаси йўқ экан, улар нега бугун сира тап тортмай, матбуот номидан гапиришмоқда? Уларга бундай ҳуқуқни ким берди?

Ўйлайманки, бу саволларга жавобни аввало, ана шундай фириб йўлига кирган "журналист"лар "ишлаётган" таҳририятлардан изласак, кўп нарса ўз-ўзидан ойдинлашади.

Бугунги кунда ҳар бир таҳририятда шартнома билан ишга жалб қилинган ходимлар учрайди. Менинг билишимча, уларнинг асосий вазифаси газетани реклама билан таъминлашдан иборат. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида бу ҳолни ҳам табиий тушуниш мумкин.

Лекин ҳамма гап шундаки, ана шу ишга кимлар жалб қилинаяпти, уларнинг матбуот қонун-қоидасидан хабари борми?

Энг ачинарлиси, таҳририятга ишга жалб қилинган ана шундай кимсаларнинг ҳар бири чўнтагида таҳририят номидан берилган салобатли гувоҳномаси бор...

Шу ўринда бир ҳаётий мисолни келтириб ўтмоқчиман. Яқинда вилоятдаги бир ташкилотнинг раҳбари гурунг орасида шундай деб қолди:

— Биз матбуотни, журналистларнинг меҳнатини юксак қадрлаймиз. Уларни адолатталаб, ҳақиқат учун жонидан ҳам кечадиган кишилар деб биламиз. Лекин яқинда бир воқеа таъсирида сал ҳафсалам пир бўлди. Идорамизга ўзимизнинг туманда яшайдиган бир йигит кириб келди. У ўзини республикадаги нуфузли газетанинг мухбириман, дея таништирди. Ҳатто чўнтагидан газетанинг гувоҳномасини чиқариб кўрсатди. Буёғини сўрасангиз, бу йигитни туманимизда ҳамма бешбармоқдек танийди. У мухбирликнинг кўчасидан ҳеч қачон ўтмаган. Бор-йўғи қассоб... Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, шундай одам матбуотга аралашиб қолгани — яхшилик аломати эмаску!

Бундай мисоллар бугун ҳаётда оз бўлсада, учрашининг ўзи нимадан далолат беради?

Эҳтимол, юқорида билдирилган фикрлар кимнингдир кўнглига оғир ботиши мумкин. Аммо шуни унутмаслигимиз керакки, мухбирлик нони жуда қаттиқ, аммо ширин, номи эса улуғ! Қадрингизни нафсингиз қулига айлантирманг. Тақдир сизга журналистлик қаламини ҳозирлаб қўйган экан, сўз деган бебаҳо қуролдан оқилона, одилона фойдаланинг. Эзгулик уруғини сепинг. Бахт, давлат, барака топасиз. Номингиз тилга олинганда, одамлар илиқ гаплар айтади.

Ахир, инсон умрининг мазмуни шундан иборат эмасми?

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
журналист

От қадрини қайдан билсин, от минмаган...

Оталар дейдики:

Ўз устингизда ишланг ва илму одоб ўрганишдан тортинманг. Умрингизни нодонликда зое кетказманг. Агар илму одоб йироқда бўлса ҳам излаб топинг. Ҳар қандай буюмни ҳам, молу дунёни ҳам илмдан улуғ ҳисобламанг. Айтишга нолойиқ гапларни гапирманг, излашга нолойиқ нарсаларни изламанг.

* * *

Беозорликни ўзингизга касб айланг. Хурсандликни бойлик деб билинг. Ориятнинг қадрига етинг. Ўзингиз ҳақингизда яхши ном орттиринг. Бировнинг ғаму ташвиши вақтида ўзингизни шодмон қилиб кўрсатманг.

ОНА ҚАРҒИШИ

Жиноят ва жазо



Халқимиз азалдан болажон халқ. Ҳар бир киши боламнинг орзу-ҳавасини кўрсам, тўйлар қилсам, деган умид билан яшайди. Тақдир-насиба эса инсонни истаса-истамаса ўз изига солиб, тошу тарозига тортиб бораверади...

Оилада фарзанд туғилса хонадон нуру файзга тўлади. Аслида ҳам шундай. Аммо кичагина сутдек оппоқ, бегуноҳ бўлган фарзанднинг ақлу ҳушини таниб, ўз қотилига айлансачи?

Бундан йигирма тўрт йил муқаддам Термиз туманидаги Янгиариқ жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи эр-хотин Мамадмурод Абраев ва Парчин Эшқувватовалар оиласида тўнғич ўғил дунёга келганда унга не-не умидлар билан Худоймурод деб исм қўйдилар. Тақдир эса... бутунлай тескари, гўё осмон узилиб ерга тушгандай, ота-она орзуларини чиппакка чиқарди.

Худоймурод 24 ёшга киргунча икки марта қамалиб чиқди. Энг ёмони, иккинчи бор қамалиш сабаби — ўз укаси Боймурод Абраевнинг қорнига пичоқ санчиб, 6 йилга озодликдан маҳрум этилганди. Қамоқдаги ҳаётдан тегишли сабоқ олмаган Худоймурод озодликка чиққач ҳам, текин яшашга интилди. Кап-катта йигит ўз қоматига ярашмаган ҳолда нафақага кўз тиккан ота-онасидан пул сўрар, уларни ҳақоратлаб, камситарди. Дўқ-пўписалар эвазига олган пулларга спиртли ичимликлар истеъмол қилар, хуллас, тубанлик кўчасига кириб бораётганлигини сезса ҳам, бу йўлдан қайтиш йўқ, деган хулосага келган эди.

Ўтган йилнинг ёз ойларида Худоймурод кайфи ошганча уйга келди. Чорпоядан ногиронлик туфайли ётиб қолган онаси Парчин опага ўшқириб кетди:

- Пенсия олдингми, эна? Менга пул бер, зарур бўлиб қолди.

- Пулим йўқ, болам. Пенсиямни олсам, бераман, - зорланди онаизор.

- Нима дединг? Пулинг йўқ? Сенларда бор, бергинг келмайди. Ҳаммангни ўлдираман, - дея ваҳшийлиги тутди унинг ва онаси бошига қайноқ сув қуйиб, пешонасига мушт туширди. Пешонаси ёрилиб, қонга бўялган она овоз чиқармай нолиганича ҳушидан кетди.

Кузнинг хазонли кунлари эди. Худоймурод ўша куни яна ичиш мақсадида ҳовлида егулик учун экилган ловия ҳосилини йиғиштириб олганича "Барчиной" бозорига йўл олди. Оила ризқини арзонгаровга сотиб, пулига вино ичди. Сарҳуш бўлиб қолган ғаввосини чайқалтирганича ҳовлига кирди. Чорпояда оёқ-қўлсиз мунғайиб қолган ғарибгина онаизорга қон тўла кўзлари билан қараб қўйди. "Ҳаммангни ўлдираман!", деган ваҳшийлик танасини қамраб олган эди. Шу пайт ҳовлига кириб келган отаси Маматмурод Абраевга қараб ўдағайлади:

- Ота, менга тўрт минг сўм пул керак, нафақага ҳужжат тайёрлаш лозим, тушундингизми?

- Ҳар доим шундай деб пул оласану, нуқул ичиб келасан, сен ҳам одамларга ўхшаб яшасанг бўлмайдими?! Не-не умидлар билан ўстирганмиз, болам, - инсофга чақирган бўлди ота.

- Нима, нима? Насиҳатингга муҳтож эмасман. Пул бер, тамом-вассалом!

- Сенга берадиган пулим йўқ. Ўзинг ишлаб топгин, - жавоб қилди ота.

Ота-бола ўртасидаги тортишув ақлни қочирди. Худоймурод ваҳшийлашиб, кўзлари қонга тўлди. У шашт билан ерда ётган кетмонни олиб, отасининг бошига солди. Урди, яна урди. Зарбдан кетмон дастаси ҳам синиб кетди. У синиқ кетмон билан ўз отасининг тўғри келган жойига аёвсизларча ураверди... Аммо ота аллақачон ўз жигарбандининг қурбонига айланиб бўлганди...

Кўз олдида фарзанди ўз отасини кетмон билан чопиб ташлаётганини кўриб турган онаизор эса унсиз, иложсиз шундай фарзанд туққанидан мингдан-минг пушаймон еб, нола қиларди-ю, лекин овози чиқмасди. Она ичида оҳлар тортиб, ўз фарзандига барча ёмон, тошни ҳам парчалайдиган қарғишларни тўкиб-соларди. Тақдирнинг бу қадар ваҳшийлигидан тупроққа кўмилишга, падаркуш ўғлининг қаддини кўрмаслик учун кўзлари кўр, қулоқлари кар бўлиб қолишига рози эди шу маҳал.

Ҳаёт эса ўз йўналишида гўё бу ваҳшийликни ерга кўмиб кетгандай давом этар, ҳовлидаги дарахтларнинг бефайз барглари чирт-чирт этиб узилганича хазонга айланарди...

Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ОИЛАНИНГ ИККИ УСТУНИ

Улар ҳамиша бир-бирига суянчиқ бўлиши лозим

Рўзғор бор экан, эр-хотин ўртасида келишмовчилик бўлиб туриши ҳам бор гап. Лекин бир хонадондан кучлироқ йиғи овози чиқиб қолса ҳам милиция ходимлари ўша хонадонга боришга мажбур. Чунки бу уларнинг вазифаси. Борган билан нима ҳам дерди. Эр-хотиннинг уруши — дока-рўмолнинг қуриши, деганларидек, бирпас бақир-чақир қилганлар кўп ўтмай тиниб-тинчиб қолишади. Бироқ "ўзлари тинчиб кетар", деб кузатувчи бўлиб туриш ҳам яхши эмас. Негаки, бундай жанжаллар оқибатида оғир жиноятлар ҳам келиб чиқиши мумкин.

Масалан, Шокир исмли фуқаро хотини билан жанжаллашиб қолади-ю, "ҳап саними", деб бекасининг кўкрагига пичоқ санчиб олади. Орасида нима гап бўлганлиги бизга номаълум, бироқ нима бўлганида ҳам, жаҳл отига миниб, ақлнинг жиловини қўйиб юборган бу тўранинг иши янаям чаппа кетди. Чунки хотини касалхонада бандаликни бажо келтирди.

Кучи хотинига етадиган мана шундай эркаклардан бири чироқчилик Номозбой ҳам ўзаро жанжалдан сўнг хотинини уриб, ўлдириб қўяди.

Шаҳрисабзлик Акром деган киши эса уйида турмуш ўртоғи билан жанжаллашиб қолгач, уни қасддан ўлдириш пайига тушади ва бу қабиҳ ниятини амалга ошириш мақсадида хотинининг бошига теша билан уриб, оғир тан жароҳати етказади. Натижада оғир жароҳат олган хотини шифохонада вафот этади. Шундан сўнг у жиноий жавобгарликдан қўрқиб, уйида ноқонуний равишда сақлаб келаётган милтиқни ўқлаб, ўзини-ўзи отиб ўлдиради.

Яна бир хотинидан "қутулолмай" юрган кишининг ҳаракати эса кишини янада таажжубга солади. У ўзи яшаётган кўп қаватли уйнинг энг юқори қаватидан пастга сакрайди.

Оила муқаддас. Шу боис никоҳсиз оила қуриб яшаш ҳеч вақт, ҳеч кимга бахт келтирмаган. Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида яшовчи, 1964 йилда туғилган Андрей ўз уйига Олгахонни олиб келиб, қонунсиз яшагани учун бахтсизликка учради. Чунки ўзаро жанжалдан сўнг бу аёл эрининг бошига болта билан уриб тинчитиб қўя қолди.

Маълумки, кўплаб жанжалларга рашк деган бало ҳам сабаб бўлади. Айниқса, бу ёш оилаларда кўпроқ учрайди. Хоразм вилоятининг Шовот туманида яшовчи Комил исмли йигит рашк оқибатида хотинининг қорнига пичоқ санчиб олади. Сўнг ўзи сирка кислотасини ичиб, касалхонага тушади.

Мана шундай ҳолларнинг олдини олиш учун ички ишлар ходимлари маҳалла фаолларининг олдига боришиб, "Биродарлар, кеча фалончи аканинг ўғли ичиб, хотинини роса калтаклабди. Орият учун хотини бизга ариза қилмаган. Бироқ сизлар томошабин бўлмангизлар. Шу боис сизлардан илтимос, ҳар бирингиз яшаш жойларингиздаги жанжалкаш оилалар турмуш тарзига бефарқ қарамангизлар", дейишмоқда.

Ўйлаймизки, маҳалла фаоллари бу гапларга жиддий эътибор берадилар. Чунки нохуш ҳолатларнинг юзага келиш-келмаслиги кўп жиҳатдан уларнинг фаолиятига боғлиқдир.

Шуҳрат РЎЗИЕВ

КЕЛИНГ, УЛИШАЙЛИК

Стюардесса самолётда кетаётган роҳибга бир қадаҳ коньяк таклиф қилади.

-Қандай баландликда учяпмиз? - деб сўради у стюардессадан.

-Саккиз минг метр.

-Унда ичмай қўяқолай. Раҳбаримизга анча яқин жойда эканмиз...

* * *

Бир одам дўхтирнинг ҳузурига келиб, кураклари орасида оғрик борлигидан зорланибди:

-Чекасизми? - сўрабди дўхтир.

-Йўқ.

- Ичасизми?

- Йўқ.

- Аёллар билан юрасизми?

- Йўқ.

- Ундай бўлса, кураклари орасидан қанот ўсиб чиқаётган экан...

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир
Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-3143. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Навбатчи:
С. ҚИЛИЧЕВА
Газета таҳририят компьютер базасида саҳифаланди.

Саҳифаловчи:
Жаъфар ЖАББОРОВ

Компьютер оператори:
М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047,
Тошкент шаҳри,
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18
(умумий бўлим),
133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.